

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ АҲБОРОТ
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Собирова Д.А. –ТДИУ хузуридаги ПКҚТМО Тармоқ маркази катта ўқитувчиси.

Такризчи: Ишназаров А.- ТДИУ, “Эконометрика” кафедраси доценти

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил _____даги ____-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

| | | |
|-------|---|------------|
| I. | ИШЧИ ДАСТУР | 3 |
| II. | МОДУЛНИ ЎҚИТИЩДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 7 |
| III. | МАЪРУЗА МАТНЛАРИ | 11 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР | 81 |
| V. | БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАРИ | 96 |
| VI. | КЕЙСЛАР БАНКИ | 102 |
| VII. | ГЛОССАРИЙ | 104 |
| VIII. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 108 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг қўламли чора тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 3 июл куни рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида қарорни имзолади. Қарорда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди: “Ахборот технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруриятини тақозо этмоқда.”¹

¹ “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида” Президент қарори, ПҚ-3832-сон 03.07.2018 йил.

Дастур мазмуни иқтисодиётда рақамлаштириш жараёнлари, ахборотлашган жамиятда электрон ҳукумат, электрон тижорат, иқтисодиёт соҳаларидаги рақамлаштириш жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур мазмуни рақамли иқтисодиёт тушунчаси, иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари, замонавий ахборот технологияларининг янги авлодлари ва улардан иқтисодиётда фойдаланиш, электрон ҳукуматизими ва интерактив давлат хизматлари, электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш технологиялари, электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси, криптовалюталар ва блокчейн технологияси бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳаракатлар стратегиясида ахборот технологиялари ва интерактив хизматларни ривожлантириш борасида: “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини қучайтириш”² кўзда тутилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари” модулининг **мақсади** тингловчиларда иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳисобланади.

«Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари» модулининг **вазифалари** замонавий ахборот технологиялари, иқтисодий ахборот тизимлари, иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими, электрон тижорат ва электрон ҳукумат ва ундан фойдаланиш йўналишлари ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳаларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича малакавий кўникмаларини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

² 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Дастури.

Тингловчи:

- компьютер техникаси воситалари ва операцион тизимлари;
- амалий дастурлар пакетидан фойдаланиш;
- интернет технологиялари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- интернетнинг интерактив хизматларидан фойдаланиш;
- Электрон хукумат тизимидан фойдаланиш;
- иқтисодий ахборот тизимларида булатли технологиилардан фойдаланиш;
- электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш бўйича **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- электрон рақамли имзодан фойдаланиш ва электрон хужжат яратиш;
- давлат бошқарув органларининг сайtlари имкониятларидан тўлиқ фойдалана олиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

«Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари» модули буйича назарий маълумотлар масофавий таълим олиш асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар кундузги таълим шаклида аудиторияда олиб борилади.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, ақлий хужум, берилган амалий топшириклар асосида якка тартибда компьютерда индивидуал топширикларни бажариб топшириш каби интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

«Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари» модули мазмуни ўқув режадаги “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” ва “Амалий эконометрика” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар амалий дастурлар ёрдамида иқтисодий масалаларни ечиш, интернетнинг интерактив хизматлари ҳамда электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш ва электрон хужжат яратиш, давлат бошқарув органларининг сайtlари имкониятларидан тўлиқ фойдалана олишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Хаммаси | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | |
|----|---|----------|-----------------------------------|--------------------|
| | | | Аудитория ўқув юкламаси | |
| | | | Назарий Машнүлот | Амалий Машнүлот |
| 1. | Миллий иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот технологиялари | 2 | 2 | - |
| 2. | Электрон хукумат тизимида ишлаш | 2 | - | 2 |
| 3. | Электрон тўлов тизимлари имкониятларини ўрганиш | 2 | - | 2 |
| | Жами: | 6 | 2 | 4 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Миллий иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот технологиялари

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари. MRP, MRPII, CRM, ERP ва SCM тизимлари таснифи. Булатли технологиилар. Электрон хукумат. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари. Электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш. Электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси. Электрон пуллар. Криптовалюталар ва блокчейн технологияси. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Электрон хукумат тизимида ишлаш

gov.uz - Ҳукумат портали;

prezident.uz-Президент веб сайти;

pm.gov.uz -Президент виртуал қабулхонаси;

my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали;

stat.uz –сайти интерфейси билан танишиб чиқиш. eStat 2.0 статистик ҳисоботларини йиғишининг автоматлаштирилган ахборот тизими демо версияси имкониятларини ўрганиш;

soliq.uz сайти билан танишиш. Сайтнинг интерактив хизматларидан фойдаланишни ўрганиш.

2-амалий машғулот: Электрон тўлов тизимлари имкониятларини ўрганиш.

Интернетда тўлов тизимларида ишлаш. Websum, Webmoney сайтларида ишлаш. Интернет дўконлар ва интернет биржа.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: кўргазмали маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда жуфтлик, индивидуал.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Махсус адабиётлар

1. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат Дастури.

2. “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори, ПҚ-3832-сон 03.07.2018 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони

4. Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маъruzasi. –Т.: Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан такдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги «Электрон ракамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 215-сонли Қарори

8. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
9. Cordella, F. Iannacci Information systems and organisations Published by: University of London Press ,2011
10. Stephen B. Harsh Management information systems. Department of Agricultural Economics Michigan State University harsh@msu.edu
11. Laudon, K.C. and J.P. Laudon Management Information Systems: Managing the Digital Firm. (Harlow: Pearson Education, 2012) twelfth edition
12. Bocij, P., D. Chaffey, A. Grasely and S. Hickie Business Information Systems: Technology, Development and Management. (London: Financial Times Pitman, 2006)
13. Curtis, G. and D. Cobham Business Information Systems: Analysis, Design and Practice. (New Jersey: Pearson Education, 2005) fifth edition [ISBN 0273687921]
14. David Poole Alan Mackworth *Artificial Intelligence: Foundations of Computational Agents*, Cambridge University Press, 2010
15. D. Kriesel . A Brief Introduction of Neural Networks, Bonn, Germany, 2011
16. Vladimir Zwass E-commerce- www.britannica.com
17. Jean D. Habiyaremye , Jules Miller Marketing Information System Paperback – August 8, 2013
18. James T. Mc ClaveStatistics for business and economics, New Jersey , Pearson Education,Inc. 2005
19. Informatika va axborot texnologiyalari: Oliy ta`lim muassasalari talabalari uchun darslik/ S.S. G`ulomov, B.A. Begalov; O`z.R Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti.-T.: Fan, 2010. -704.
20. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. И.Т.Трубилина. М.: Финансы и статистика, 2000.
21. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. Г.А.Титоренко. М.: ЮНИТИ, 2006. – 399 с.
22. Агальцов В.П., Титов В.М. Информатика для экономистов: Учебник. – М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА – М, 2009. – 448 с.
23. Информационные технологии в бизнесе / Под ред. М. Желены.– СПб:Питер, 2002. – 1120 с.
24. Информационные технологии управления: Учеб. пособие для вузов / Под ред. Проф. Г.А.Титоренко -2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
25. Мхитарян С.В. Маркетинговая информационная система. – М.: Изд-во Эксмо, 2006– 336 с.

II. Интернет ресурслар

1. gov.uz- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
2. prezident.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти веб сайти.
3. pm.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси.
4. my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

5. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикаси ахборот-таълим портали.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
7. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси сайти.
8. Websum.uz-миллий электрон тўлов тизим
9. webmoney.ru - Россия электрон тўлов тизими
10. yarmarka.uzex.uz -Ўзбекистон глобал савдо тизими.
11. 3dnews.ru- 3d технологиялар сайти
12. <http://www.britannica.com/> -Encyclopedia Britannica school and library subscribers
13. lex.uz

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → “Давлат бошқарувида АКТ нинг кенг жорий этилиши нималарда намоён бўлмоқда?

2) Тингловчиларнинг иқтисодиётда замонавий ахборот технологияларини қўллашга оид билим кўнималарини аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни → “**Тушунчалар**”- таҳлили

| Тушунчалар | Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади? | Қўшимча маълумот |
|--------------------|--|------------------|
| Рақамли иқтисодиёт | | |
| Электрон хукумат | | |
| Электрон тижорат | | |
| Электрон пул | | |
| криптовалюта | | |

1-амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Блиц-сўров” усулидан фойдаланилади.

“Блиц-сўров” саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали сайтинии айтинг.
2. Ўзбекистон Республикаси ахборот-таълим портали айтинг.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайтини айтинг.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти қайси?

2-амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан

фойдаланилади.

Топширик мазмуни → “Электрон тўлов тизимларига мисоллар келтиринг?”

2) Тингловчиларнинг тўлов тизимларига оид билим кўникмаларини аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилади.

“Тушунчалар”- таҳлили

| Тушунчалар | Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади? | Қўшимча маълумот |
|----------------|--|------------------|
| Интернет дўкон | | |
| Интернет биржа | | |
| Электрон тўлов | | |

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Миллий иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот технологиялари

1. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси.
2. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари.
3. MRP, MRPII, CRM, ERP ва SCM тизимлари таснифи. Булутли технологиилар.
4. Электрон ҳукумат. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари. Электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш.
5. Электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси. Электрон пуллар. Криптовалюталар ва блокчейн технологияси.
6. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари.

Таянч иборалар: Рақамли иқтисодиёт, иқтисодий объектни бошқариши, электрон ҳукумат, электрон пуллар, криптовалюталар, блокчейн технологияси

1. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий фаолият бўлиб, у ҳар куни онлайн тарзда одамлар, қурилмалар, маълумотлар ва жараёнлар орасидаги миллионлаб боғланишлардир. Internet, cloud computing (булутли ҳисоблаш), big data (катта маълумотлар), financial technology (молиявий технология) ва бошқа рақамли технологиилар маълумотларни рақамли шаклда тўплаш, саклаш ва тарқатиш учун фойдаланилади, бундан ташқари улар ижтимоий ўзаро таъсирни бутунлай ўзгартиради.

Янги рақамли иқтисодиёт – технологиялар тизими бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ривожланган ишлаб чиқириш, роботлар ва автомат фабрикалар;
- мобил ва мобил бўлмаган интернет алоқаларидан олинган маълумотлар манбаси;
- cloud computing (булутли ҳисоблаш);
- Big Data Analytics (катта маълумот таҳлиллари);
- Artificial Intelligence (сунъий интеллект).

Рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган самарадор технологиялар ҳаётимизга кириб келиши сабабдан, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида Янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцитаси” ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш,

коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “Йўл ҳаритаси” ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур”.³

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонини ижро этиш борасида, шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди, ҳамда ЎзР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин. Ушбу қарор бўйича қуидагилар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб қўрсатилган:

- инвестиция ва тадбиркорликни диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майининг, смарт контракт, консалтинг, эмиссия, айрибошлиш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, сугурталаш, крауд-фундинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш;
 - блокчейн технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалий иш кўникмаларига эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш;
 - рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;
 - криптоактивлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида ҳалқаро ва ҳорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали ҳорижлик мутаҳассисларни жалб қилиш;
 - ҳориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун ҳуқуқий база яратиш.
- Кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони

шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичмабосқич жорий этилмоқда.

2. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари.

Иқтисодий объект – бу ён-атрофдан заҳиралар оладиган ва уларни ўз фаолияти маҳсулотларига айлантирадиган баркарор расмий ижтимоий тузилмадир.

Бошқариш деб объектнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиш ёки маълум бир мақсадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функциясига айтилади.


Ишлаб чиқариш ва иқтисодий объектларнинг мавжудлиги жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш билан белгиланади. Бундай ҳар бир объект ўзгарувчан муҳит (давлат бошқарув органлари, бошқа объектлар) билан муайян муносабатларда бўлади ва ўзаро таъсирнинг мавжудлигини ҳамда ўз вазифасининг бажарилишини таъминлайдиган кўплаб турли элементлардан ташкил топади.

Иқтисодий объектни тизим сифатида кўрадиган бўлсак, у қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлади.

1. Бошқарувчи субъект

2. Бошқарилувчи обьект

Бу элементлар ўртасидаги алоқа хам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий обьект деб ишлаб чиқариш корхонасини олсақ (акционерлик жамияти, фирмалар, кичик корхоналар ва ҳоказо), бошқарувчи субъектга бу ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбар органлари, бўлинмалари киради (директор, бўлим бошликлари ва ҳоказо). Бошқарилувчи обьектга эса корхона цехлари, ишлаб чиқариш бўлимлари мисол бўлади. Агар бошқарувчи субъектдан маълум бир маълумот бошқарилувчи обьектга йўналтирилса, бу алоқа «тўғри алоқа» дейилади. Корхона миқёсида бунга режа ва турли хил кўрсатмалар қарорлар мисол бўлиши мумкин. Агар аксинча, маълумотлар бошқарилувчи обьектдан бошқариш субъектига йўналтирилса, «тескари алоқа» дейилади. Бунга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ва ҳоказо мисол бўла олади. Қуйидаги расмда бошқарувнинг кибернетик модели келтирилган.



1-расм. Бошқарувнинг кибернетик модели.

Бошқариш жараёни муайян мақсадга эришишга йўналтирилган. Шундан келиб чиқиб бошқариш жараёнини бошқариладиган обьектдаги жараёнга мувофиқ келувчи мақсад ва ҳажм ўртасидаги фарқни камайтиришга интилиш сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқариш жараёнида тўғри ва тескари алоқа каналлари бўйича тизимнинг бошқарувчи ва бошқарилувчи қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви кечади. Олдига қўйилган мақсадларни бажариш учун тизимнинг бошқарувчи қисми бошқарилувчи обьектга ахборот узатишнинг тўғри канали бўйича бошқарувчи таъсирлар жўнатади. Тескари алоқа канали бўйича бошқарилувчи обьектдан бошқариш жараёни ҳолати ва бошқарувчи таъсир бажарилиши натижалари хақида ахборот келиб тушади.

Демак, бошқариш моҳиятини бошқарилувчи обьектга бошқарувчи таъсир кўринишида етказилувчи қарорлар қабул қилиш учун барча келиб тушувчи ахборотни тизимнинг бошқарилувчи қисмида қайта ишлаш, деб изоҳлаш мумкин.

Ахборот контури доирасида бошқариш мақсадлари хақида, бошқарилувчи жараён ҳолати хақида, бошқарувчи таъсирлар хақида ахборотга эга бўлинади ва узатилади. Ахборот контури ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш воситалари, шунингдек, ахборотларни ишловчи ходимлар билан биргаликда мазкур *иқтисодий обьектнинг ахборот тизимини* ташкил этади.

Ахборотларга асосланган, мақсади олдиндан белгиланган ва шу мақсадга эришиш дастури ишлаб чиқилган бошқарилувчи жараёнга мақсадли таъсир кўрсатиш - **қарор қабул қилиш** деб аталади. Қарорнинг шаклланиш жараёни эса – қарор қабул қилиш жараёни деб юритилади. Иқтисодий обьектни бошқариш доирасида меҳнат тақсимотига мувофиқ қабул қилинадиган қарорлар бошқарувнинг у ёки бу вазифасига киради.⁴

3. MRP, MRPII, CRM, ERP ва SCM тизимлари таснифи. Булутли технологиялар.

Корхонани бошқаришда қўлланиладиган, автоматлаштирилган интеграциялашган тизимлар мавжуд бўлиб, улар MRP, MRPII, CRM, ERP ва SCM тизимлари ҳисобланади.

Куйида ушбу тизимларнинг таснифини келтирамиз:



MRP(Material Requirements Planning – керакли материалларни режалаштириш) тизими тугал маҳсулотни қанча ва қайси муддатга ишлаб чиқариш зарурлигини аниқлаш имкониятини беради. Ундан кейин тармоқ ишлаб чиқариш жадвали эҳтиёжларини қондириш учун керакли материаллар миқдори ва вақтини аниқлаб беради.

MRP тизими ҳар бир элемент, ҳар бир бутловчи

⁴ Bocij, P., D. Chaffey, A. Grasely and S. Hickie Business Information Systems: Technology, Development and Management. (London: Financial Times Pitman, 2006)

детал ишлаб чиқаришга керакли вақтда керакли микдорда етказиб берилишини кузатишни, ўзининг асосий мақсади қилиб қўяди

MRPII (*Ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириши методи (Manufacturing Resource Planning, MRP II)*) – бу MRP бўйича режалаштириш плюс омборлар, таъминот, сотиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш функцияларидир. MRP II MRP дан фарқли равишда, корхоналарнинг барча ресурсларини ускуналар, одамлар, моддий ва молиявий ресурсларни барчасини режалаштиришни кўзда тутади. MRP II бир тизим ахборотидан фойдаланишни, корхонанинг барча хизматларига сотиш бўлимидан бошлаб, маркетинг хизматигача таъминот бўлими, молиявий бўлим, лойиҳалаш бўлими шунингдек, ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш имкониятини беради.



CRM (Customer Relationship Management – Мижозлар билан муносабатларни бошқариш) бу «мижозга мўлжалланган» ёндашув асосий ядро бўлган мустаҳкам бизнес концепция ва бизнес стратегия асосида қурилган йўналишдир.

CRM тизимининг асосий вазифаси – мижоз билан ўрнатиладиган алоқа қандай канал орқали амалга оширилишига қарамай, маркетингда, сотувда, сервис ва хизмат кўрсатишида мижозларни жалб қилиш ва ушлаб қолишига йўналтирилган бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишdir.

ERP (Enterprise Resource Planning System – Корхона ресурсларини режалаштириш тизими) бу АТ базасида корхонанинг ички ва ташқи ресурсларини бошқариш учун ишлатиладиган интеграциялашган тизимdir.


Тизимнинг мақсади корхона ичидағи барча хўжалик бўлимлари орасидаги алоқа оқимларига (бизнес функцияларига) ёрдам қилиш ва бошқа корхоналар билан алоқаларни информацион қўллаб қувватлашдан иборатdir.





SCM (Supply Chain Management) - Етказиб бериш занжирини бошқариш тизими корхона таъминотини барча этапларини бошқариш ва автоматлаштиришга, корхонанинг барча маҳсулотлари харакатини назорат қилишга мўлжалланган. SCM тизими компания маҳсулотига бўлган эҳтиёжни нисбатан анча яхши қондиришга ва логистика, сотиб олиш ҳаражатларини сезиларли даражада камайтириш имкониятини беради. SCM хом ашё сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тарқатиш бутун циклини ўз ичига олади.

MRP II бир тизим ахборотидан фойдаланишни, корхонанинг барча хизматларига сотиш бўлимидан бошлаб, маркетинг хизматигача таъминот бўлими, молиявий бўлим, лойиҳалаш бўлими шунингдек, ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиш имкониятини берсада, ERP (Enterprise Resource Planning System – Корхона ресурсларини режалаштириш тизими) корхона ичидағи барча хўжалик бўлимлари орасидаги алоқа оқимларига (бизнес функцияларига) ёрдам қилиш ва бошқа корхоналар билан алоқаларни информацион қўллаб қувватлаш имконини беради.




2-расм. Корхона бошқарувидаги MRP II ва ERP тизимлари

ERP тизими бу интеграллашган иловалар тўплами бўлиб, ушбу тизим корхонанинг режалаштириш, ҳисоб-китоб ва барча асосий бизнес жараёнлар назорати ва таҳлилини автоматлаштиришнинг ягона муҳитини яратиб беради.



3-расм. ERP тизимларида ахборот алмашинуви

Ахборотни саклаш ва ундан фойдаланишда булутли технологиялар энг илғор технологиялардан ҳисобланади.



4-расм. Булутли технологияда ахборот алмашинуви

«Булутли» технологиялар қўлланиладиган соҳалар:

IaaS(Infrastructure as a Service)— фойдаланувчига уникал IP-адресли «бўш» виртуал сервер ёки бир неча интернет адреслар бирлашмаси ва ахборот омбори тизимининг бир қисми тақдим қилинади (масалан Amazon Web Services, Rackspace Cloud).

PaaS(Platform as a Service)—фойдаланувчи ихтиёрига аввалдан ўрнатилган ОТ ва маҳсус иловалар бор бир (бир неча) виртуал серверлар тақдим қилинади (масалан WindowsZaure, Force.com).

SaaS(Software as a Service) —фойдаланувчига Интернет орқали узоқдан туриб дастурий иловалардан ҳудди хизмат сифатида фойдаланиш имкониятини таъминлайди (масалан GoogleApps, Salesforce CRM).

«Булут» лар қуйидаги турларга бўлинади:

- хусусий булут;
- оммавий булут;
- гибрид булут.



5-расм. «Булут» турлари

4. Электрон ҳукумат. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари.

Электрон ҳужжат ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш ишлари давлат даражасида давом этмоқда.

Ушбу вазифалар 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган бўлиб, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этишни назарда тутади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, ҳамда 2018 йилнинг Фаол тадбиркорлик,

инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилиниши АҚТ ривожлантиришга янги туртки берди.

Ахборот асри деб аталган давримиз инсониятга тақдим этаётган қулай ва ишончли имкониятлардан бири «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишидир. Маълумки, «Электрон ҳукумат» тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намоён этиб улгурган тизим ҳисобланади.

Президент Ш.М.Мирзиёев 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ахборот технологиялари ривожи хақида таъкидлаганлариdek:

“Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифамиз – «Электрон ҳукумат» тизими самарали ишлашини таъминлашдан иборат.”⁵

2015 йил 9 декабрь куни “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун қуйидаги боблардан таркиб топган:

- 1-боб. Умумий қоидалар;
- 2-боб. Электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш;
- 3-боб. Электрон давлат хизматларини кўрсатиш;
- 4-боб. Электрон ҳукуматнинг ишлашини ташкил этиш;
- 5-боб. Якуловчи қоидалар.

Қонунга кўра, электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органдир.

Электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин.

Қонунга кўра, сўраклаётган электрон давлат хизмати бўйича электрон ҳужжат тарзида юборилган жавоб қоғоз шаклида юборилган жавобга тенглаштирилади. Электрон давлат хизматлари ариза берувчиларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши якунлари ҳамда 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маърузаси. –Т.: Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.

нуқтаси бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

«Электрон ҳукумат» бугунги кунда жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда кенг ривожланаётган тизим бўлиб, у фуқаролар, бизнес вакиллари, давлат ҳокимияти органларига ахборот тақдим этиш ҳамда аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатишни ўз ичига олади ҳамда давлат ва аризачи ўртасидаги шахсий алоқани минималлаштириб, ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланишни кўзда тутади.

Бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини Интернет орқали ҳаммабоп интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратади.

Мамлакатимизда интерактив давлат хизматларини аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва республика ҳукумати портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш кенг йўлга қўйилган. Ана шу мақсадда 2007 йилдаёқ 49 та базавий интерактив давлат хизматлари реестри (БИДХР) тасдиқланган. Айни пайтда эса у 195 дан зиёд кўринишни ўзида қамраб олган.

Ҳозирги кунга қадар «электрон ҳукумат»нинг 20 дан ортиқ лойиҳаси самарали амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Gov.uz» портали ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги электрон ахборот муносабатларининг самарали дастаги ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс вакили мазкур порталдан Ўзбекистон давлат ҳокимияти ҳақида тўлиқ маълумот олиши, шунингдек, у орқали муайян ҳукумат органига электрон шаклда бевосита расмий сўров юбориши мумкин.

«E-kommunal.uz» портали эса уй-жой-коммунал хизматлари соҳасидаги умумий ахборот инфратузилмаси бўлиб, у аҳоли, назорат органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шунингдек, коммунал хизматлар ўртасида ахборот алмашинувини соддалаштиради. Порталда Ўзбекистон уй-жой ва коммунал хўжалигига оид барча масалалар бўйича маълумотлар, тарифлар хабарномаси, ҳатто барча коммунал хизматлар калькулятори қулай шаклда жойлаштирилган. Қайд этиш ўринлики, порталга ҳар қандай шахс коммунал хўжалик борасидаги у ёки бу муаммо ҳақида ахборот, фотосурат жойлаштириши мумкин. Мазкур маълумотлар орқали тегишли давлат органлари жойлардаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, ҳал этиш чораларини кўришади.

Бугунги кунда статистика, солиқ ва бошқа молиявий ҳисботларни тадбиркорлик субъектларидан электрон кўринишда йиғиш ва қайта ишлаш тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг «soliq.uz» сайтидан ҳар қандай солиқ тўловчи – юридик ва жисмоний шахслар – маслаҳат олиши, электрон кўринишда солиқ ҳисботи ёки даромадлар ҳақида декларация топшириши, ўз СТИРини тасдиқлатиши мумкин.

Давлат статистика қўмитасининг «stat.uz» сайти орқали ҳар бир тадбиркорлик субъекти статистик ҳисботни электрон кўринишда топшириши мумкин.

Ўзбекистон миллий қонунчилигининг 25 мингдан зиёд меъёрий-хуқуқий хужжатларини ўзида жамлаган «lex.uz» портали эса аҳолига Интернет орқали меъёрий-хуқуқий хужжатлардан бепул фойдаланишни тақдим этувчи республикамиздаги ягона ахборот-хуқуқий тизим ҳисобланади. Ушбу маълумотлар базасида ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари, 1990 йилдан шу пайтга қадар қабул қилинган қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг бошқа хужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди қарорлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари «тахт қилиб қўйилган».

Электр энергияси истеъмолчиларига «uzbekenergo.uz» сайти шахсий кабинетлар ёрдамида ўз шахсий маълумотларидан фойдаланишни таъминлайди. Ушбу лойиха мамлакатдаги барча истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланишни интерактив шаклда назорат қилиш имконини беради.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, базавий интерактив давлат хизматлари «Электрон хукумат» тўлақонли тизимининг бир қисмигина холос. Зеро, мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 18 январдаги «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Электрон хукумат» тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилган эди.

Шу боис, бугунги кунда давлат органлари раҳбар ва мутахассислари таркибидан ташкил топган маҳсус ишчи гуруҳ мазкур соҳада дунёдаги етакчи давлатлардан бири бўлмиш Корея Республикаси ва бошқа хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини инобатга олиб, «Электрон хукумат» тизимини шакллантириш бўйича Концепция ва Комплекс дастурни, шунингдек, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Интерактивлик тушунчаси. Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Интерактив хизматлар тушунчаси. Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан қўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга

интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари. Ҳозирги вақтда, Ҳукуматимиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.


Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб сахифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.

Интерактив давлат хизмати – идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар.

Ҳозирги вақтда Республикамиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.


Қуйидаги веб сахифалардан Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб сахифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни топиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали:[gov.uz](http://www.gov.uz)



6-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти веб сайти ва виртуал қабулхонаси:



7-расм. Ўзбекистон Республикаси Президенти веб сайти.

Сизда ҳал этилмаган масалалар/муаммолар, ариза, шикоят ёки тақлифлар борни?
У ҳадда мурожаатнингизни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига 3 хил усулда:
кўнгироқ қилиши, мурожаат юборини ёки Кораганигистон Республикаси, вилоятлар ва Ташкент шаҳридаги Ҳалқ қабулахоналарига ташириф буюорини орқали юборишингиз мумкин.

| Янгиликлар | Статистика |
|---|---|
| <p>Виртуал қабулхонага 1 миллионта мурожаат тушди 2017.07.21 2017 йил 21 июль кунин соат 16:45 да Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал Батафсил...</p> <p>Барча янгиликлар ></p> | <p>4 ой - қисқа давр. Қисқа статистика 2017.01.26 PM.gov.uz портали – Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрда кадар Баш Батафсил...)</p> <p>Жами 1233920 Кўриб чиқилган 1180368</p> |

1000 ёки 0-800-210-00-00


Мурожаатни юборинг Мурожаат макомини текшириб қўринг

8-расм. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси.

Интерактив давлат хизмати қуидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланилдиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) - тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;
- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик - электрон шаклдаги хужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- икки томонлама ахборот айирбошлаш - сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буортманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);
- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали республикамизнинг турли ташкилотлари интерактив хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради:



9-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қуидагилар киради:


Транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш жадвали. Республикадаги транспорт воситаларини ҳаракатларини ифодалаш жадвали бир нечта сайтларда берилган. Фойдаланувчи сайтдан ўзига мақул транспорт воситаларини қатнови жадваллари ҳақидаги маълумотларни топади. Қуида ушбу веб саҳифаларни келтирилган:

<http://www.orexca.com> – сайёхлар учун мўлжалланган веб саҳифа;

<http://www.tgpt.uz> – тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ҳақидаги веб саҳифа;

<http://www.goldenpages.uz/> - Ўзбекистон транспорт қатнови рейс жадваллари саҳифаси.

Авиа рейслар жадвали. Авиа рейслари бўйича маълумотлар жадвалини аниқлаш, улардан фойдаланиш учун <http://uzairways.com> - Ўзбекистон хаво йўллари авиакомпания веб саҳифасига мурожат қилинади. Сайтда халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги авиа қатнов жадваллари келтирилган.



10-расм. <http://uzairways.com> - Ўзбекистон хаво йўллари авиакомпания веб саҳифаси.

Темир йўл транспорти қатнови жадвали. Республика ички ва ташки темир йўл қатновлари жадваллари ва улар ҳақидаги маълумотларни қуидаги веб саҳифалардан топиш мумкин.

1. uzrailpass.uz - темир йўл транспорт қатнови жадвали.

2. www.roxanatour.com - Бу саёхлик фирмаси сайти бўлиб, бунда сиз ҳалқаро ва Ўзбекистон ичидаги темир йўл қантовлари ва ҳаво йўллари қатнови жадваллари ва у ерда жойлашган меҳмонхоналар хақида маълумот ва буюртмалар мажмуаларини аниқлашингиз мумкин.


Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари. Ўзбекистондаги барча банклар хақида маълумотлар ва янгиликлар, кунлик валюта миқдорлари ҳақида маълумотларини қўйидаги сайтлардан олиш мумкин:

www.bank.uz ;
www.mikrokreditbank.uz;
www.agrobank.uz;
www.asakabank.com;
www.new.nbu.com;
www.uzpsb.uz;
www.infinbank.com;

ва ҳакоза банклар.

Об ҳаво маълумотлари. Республика барча вилоятлари ва Тошкент шахри ҳамда ҳалқаро миқёсда об - ҳаво ҳақида маълумотларни қўйидаги, Ўзбекистонда яратилган веб саҳифалардан аниқлаш мумкин. ob-havo.uz; www.pogoda.uz ; www.meteoprog.uz.

Об-ҳаво прогнози бўйича энг тўлиқ маълумотларни www.meteoprog.uz веб саҳифасидан олиш мумкин. Саҳифа дизайнни ҳам фойдаланувчилар учун жуда қулай.



11-расм. www.meteoprog.uz веб саҳифаси.

Янгиликлар. Ўзбекистон Республикасида фаолиятлари дорасида олиб борилаётган асосий янгиликлар мажмуасини uza.uz, gov.uz ҳамда desk.uz веб

сайтлари орқали топиш мумкин. Ушбу веб саҳифаларда Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарлар мавжуд.

Теле ва радиоэшиттириш дастурлари. Ўзбекистон миллий телерадио компанияси маълумотлари ва теледастурлар жадвалини ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни қўйидаги веб саҳифалардан олишингиз мумкин. www.mtrk.uz;

Иш ўринлар биржалари. Республика доирасида бўш иш ўринларини топиш, аниқлаш ва мулоқат ўрнатиш қўйидаги веб саҳифалар орқали амалга оширилиши мумкин. www.myjob.uz, www.vakansi.uz бу сайтлардан сиз иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ва Сиз, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни тўлдириб жўнатишингиз ва жавоб олишингиз мумкин.

Спорт янгиликлари. Республика ва халқаро спорт мусобақалари, уларнинг ўтказилиш жадваллари ва ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қўйидаги веб саҳифалардан қидириш мумкин: www.uff.uz; www.the-uff.com; www.paxtakor.uz; www.bunyodkor.uz; www.fifa.com. Бу сайтлардан Ўзбекистон футболи ва жаҳон футболи янгиликларини олишингиз мумкин. www.allsportsites.net бу сайтдан эса спорт турлари рейтинги янгиликлари ҳақидаги маълумот олишингиз мумкин.

Футбол янгиликларини қўйидаги сайтдан олиш мумкин:

The screenshot shows the homepage of the UFF.UZ website. At the top, there's a banner for the FIFA World Cup Russia 2018. Below it, a promotional banner for Samsung Galaxy A and J phones. The main content area displays a table of football fixtures for September 30, 2017. The table has four columns: Day (Однажды), Time (Время), Match (Матч), and Broadcast (Комментатор). The fixtures listed include matches between teams like Dordoi - Dinamo, Beroe - Neftchil, and FC Lokomotiv - FC Spartak Moscow. At the bottom of the page, there are several advertisements: Alpari (ПОБЕДАЙ И ЗАРАБАТЫВАЙ С АЛЬПАРИ!), Haier (Хайер), and a video player showing a football match.

12-расм. uff.uz веб саҳифаси.

5. Электрон тижорат ва уни ривожлантириш концепцияси. Электрон пуллар. Қриптовалюталар ва блокчейн технологияси.

Электрон тижорат тушунчаси. Электрон тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг 2015 йил 22 майда қабул қилинган янги таҳрири билан белгиланади ва амалга оширилади.

Ушбу қонунга кўра ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

Электрон тижорат Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан фарқи. Электрон тижоратнинг анъанавий савдо туридан қуидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш. Ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;
- харидорнинг яшаш жойи, соғлиги ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори teng хуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- ҳозирги кунда чиқсан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;
- электрон тижорат сотувчининг маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиш жараёнидаги имкониятини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди сотувчи маҳсулотларини сотиш жараёнини тезлаштириши, янги ва сифатли маҳсулотларни мунтазам алмаштириши, маҳсулотларнинг айланма харакатини тезлаштириши керак бўлади;

Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш фирмаларнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради.⁶

Харидорлар кундалик хаётида керакли маҳсулотлар ичida сифатлиларини танлаши мумкин. Чет эл фирмаларига мурожаат қиласи.

⁶ Vladimir Zwass E-commerce- www.britannica.com

Электрон пуллар тушунчаси. Электрон пул – бу пул бирлигига тенглаштирилган белгилар ҳамда күпюра ва танга ролини бажарувчи жуда катта сон ёки файллардир. Бундай тизимнинг фаолият кўрсатиш ҳаражатлари бошқаларидан анча кам. Бундан ташқари, электрон пуллар тўлиқ анонимликни таъминлаши мумкин, чунки уни ишлатган мижоз ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Электрон пул бирликлари.

WMY – Ўзбекистон зонасида операцияларни амалга ошириш учун UZSnинг Y-ҳамёндаги эквиваленти.

WMR – рубль зонасида операцияларни амалга ошириш учун RURнинг R-ҳамёндаги эквиваленти, WMR операцияларининг кафили бўлиб WebMoney Transfer нинг Россия худудидаги вакили “БМП” МЧЖ хизмат қиласди.

WMZ – АҚШ долларида операцияларни амалга ошириш учун USD нинг Z-ҳамёндаги эквиваленти.

WME – ЕВРО да операцияларни амалга ошириш учун EURнинг Е-ҳамёндаги эквиваленти, WMZ ва WME операцияларининг кафили бўлиб Amstar Holdings Limited, S.A. хизмат қиласди.

WMU – Украина зонасида операцияларни амалга ошириш учун UAНнинг У-ҳамёндаги эквиваленти, WMU операцияларининг кафили бўлиб “Украинское Гарантийное Агентство” МЧЖ хизмат қиласди.

WMB – Белорусия зонасида операцияларни амалга ошириш учун BYRнинг В-ҳамёндаги эквиваленти.

WMG – 1 грамм олтиннинг G-ҳамёндаги эквиваленти.

WBC ва WMD – WMZнинг С ва D ҳамёнлардаги кредит операциялари учун эквиваленти.

Интернет тўлов тизимлари, улар орқали тўловлар ва харидларни амалга ошириш.

Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тизимида товар/хизматлар тўлови харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўйидаги электрон тўлов тизимлари мавжуд:

- WEBSUM;
- PAYNET;
- WEBMONEY;
- IntellectMoney;
- Perfect Money;
- RBK Money;
- V-money.

Электрон тўлов тизимлари ёрдамида Интернет ва IP-телефонияга уланиш учун «ПИН» кодлар ва интернет дўконлардан товарларни ҳарид қилиш, уяли

алоқа хизмати, шахар телефонияси, коммунал хизматлар, домен ва хостинг, реклама, телевидение, чипталар, dataцентрлар, веб ресурслар учун ҳақ тұлаш мүмкін.

WEBSUM
просто и эффективно

Система Интернет - розничных платежей

Главная О компании Документы Тарифы Помощь Контакты Портал Партнёрская программа СМИ о Нас Заработка Форум Блог

Панель услуг

- Домены и Хостинг
- Пин Коды
- Оплата за рекламу
- Телевидение
- Издания и пресса
- Интернет Магазины
- Билеты
- Телефония
- Данныецентры
- Web Ресурсы
- Безопасность

Авторизация

Регистрация

Вход в личный кабинет

Партнеры

- ТОРГОВО-ПРОМЫШЛЕННАЯ ГАРАНТИЯ УЗБЕКИСТАНА
- TURON BANK
- Samarqand BANK

Добро пожаловать в WEBSUM — систему online платежей, в среду для ведения электронного бизнеса!

ООО «E-SERVICES HOUSE» — владелец и администратор платежной системы «WEBSUM», инструмента по осуществлению online продаж товаров/услуг, сервиса через Интернет, обеспечивающая информационное и техническое взаимодействие между Организацией, Предприятием и Пользователем при совершении электронных платежей посредством сети Интернет.

«WEBSUM» позволяет оплатить услуги, сделать покупки в Интернет-магазине — не выходя из дома! Совершайте платежи с максимальным удобством и с минимальными затратами времени и сил.

Мы считаем, своим долгом помогать компаниям, ведущим электронный бизнес, расти и развиваться, используя комплексную сервисную платформу «WEBSUM» и все ее функции для ведения маркетинга, расширения сети контактов и благодаря этому — повышать доходность и прибыльность.

Подключение Интернет-магазина к системе

Подключите ваш Интернет-магазин к системе электронных платежей WEBSUM и ваши клиенты получат возможность оплачивать ваши товары и услуги мгновенно и без комиссий!

Мы предлагаем выгодные условия сотрудничества — [нулевые тарифы](#), мгновенное прохождение оплаты, поддержка ваших клиентов и возможности для продвижения вашего сервиса среди пользователей WEBSUM.

Совместная программа развития и продвижения — это возможность для бесплатного продвижения товаров и услуг Вашего Интернет-магазина или online сервиса среди клиентов WEBSUM.

13-расм. WEBSUM электрон тұлов тизими.

UPAY - Universal elektron to'lov sistemi

BOSH SAHIFA ULANISH TO'LOV KABINETCA KIRISH RO'YXATDAN OTISH +998 (71) 200-00-88

UPAY

Cheksiz imkoniyatlar

USSD Xizmatlar Ucel, Beeline, Uzmobile va UMS foydalanuvchilari uchun mavjud!

*850#

Скачайте бесплатно в APP STORE Скачайте бесплатно в GOOGLE PLAY

наш партнер Sarkor Telecom

Бизning yangi hamkorimiz - Sarkor Telecom!

ОГЛАВЛЯЙТЕ ШИРМЫ ЗА НАРУШЕНИЕ ПОД ЧЕРЕЗ ИРАН!

YHQ buzganligi uchun jarimalarni UPAY orqali to'lang!

Allmovies.uz sayti uchun obuna to'lovlaringizni UPAY orqali to'lang!

Yangi hamkorimiz bilan tanishing

Barcha yangiliklar

Пуск Истисодиётда АКТ ... UPAY - Universal e...

RU 11:30 30.09.2017

14-расм. upay.uz универсал электрон тұлов хизматлари тизими.

Интернет-банкинг. Тўлов тизимлари орасида алоҳида гурух, бу Интернет банкинг функциясини бажарувчи тизим, яъни Интернет орқали банк операцияни амалга ошириш ҳисобланади.

Интернет-банкинг – банқдаги ҳисоб рақамни Интернет орқали бошқариш имкониятини берадиган хизмат. Интернет банкинг тизимида самарали ишлаш учун Интернетга уланган ва Интернет броузерга эга компьютер бўлиши етарли ҳисобланади.

Интернет-банкинг имкониятлари қуйидагиларни бажаришга имкон беради:

- банкка барча турдаги молиявий хужжатларни юбориш;
- исталган давр учун банқдаги ҳисоб рақамлардан кўчирмалар ва уларга тегишли бошқа хужжатларни олиш;
- ҳақиқий вақт тартибида тўлов хужжатлари банк ишловидан ўтишининг барча босқичларини кузатиш;
- хатолар тўғрисида хабарларни тезкор олиш;
- кирим ва чиқим тўлов хужжатларини кўриш ва чоп этиш.

Интернет-банкинг ва банқдан ташқари электрон тўловлар тизимларининг янада ривожланиш жараёнида он-лайн сотувлар секторида жадал ўсишни кутиш лозим, бунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча компаниялар Интернет тармоғи орқали товарларини бемалол сотишлари мумкин бўлади.

Тўловларнинг банқдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи бу мобил тўловлар тизимлари бўлди.

Электрон кармон, уларни тўлдириш ва пул олиш. Электрон кармон - бу электрон пулларни сақлаш учун мўлжалланган восита.

Товарларни сотиш ва харид қилишга мўлжалланган веб технологиялар асосида яратилган ахборот тизими томонидан амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан ташкил топади:

- мижозга товар (хизмат) ҳақида маълумот бериш;
- мижоздан товар (хизмат)га буюртма қабул қилиш.

Баъзан онлайнли тўлов тизимларидан фойдаланилганда учинчи вазифатўлов ҳақини олиш, товарни сотишда эса яна тўртинчи вазифа - ҳақи тўланган товарни жўнатиш қўшилади.

Электрон кармонни тўлдириш ва улардан пул ечишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

1. Тижорат банкларида нақд пул билан;
2. Банк карталари (VISA, MasterCard, UzKart) ёрдамида;
3. Почта орқали;
4. Интернет-банкинг ёрдамида;
5. Пул ўтқазмалар тизимлари ёрдамида;
6. Мобил алоқа ёрдамида.

Интернет VISA ва MasterCard тўлов карточкалари.

Visa Inc. – тўлов операцияларини амалга ошириш хизматларини таъминловчи америка компанияси. VISA International Service Association - жаҳоннинг етакчи тўлов тизими ҳисобланади.

VISA карталари бўйича йиллик савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ долларини ташкил қиласди. VISA карталари дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида қабул килинади. Дунёда тўлов карталарининг 57% VISA карталари ташкил қиласди, асосий рақобатчилари MasterCard 26% ва American Express 13% ташкил қиласди.

MasterCard Worldwide – дунёнинг 210 мамлакатларидаги 22 минг молиявий ташкилотларни бирлаштирган халқаро тўлов тизими ҳисобланади. Бош офиси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган.


Хозирги кунда интернет тўлов тизимлари тўлиқлигича юқорида келтирилган VISA ва MasterCard билан ишлаш имкониятига эга, яъни интернет тўлов тизимларидаги хамёнларни тўлдириш ёки хамёнлардаги ишлатилмай қолган маблағларни қайта карточкага чиқариш мумкин.

Интернет дўконлар ва интернет биржа.

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. WEBSUM электрон тўлов тизимидан фойдаланадиган интернет дўконлар қўйида келтирилган:



UzEx интернет биржа – бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAY тизими фойдаланувчиларига, максимал қулийликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни ҳарид қилиш имконини беради.



15–расм. yarmarka.uzex.uz Ўзбекистон глобал савдо тизими.

Криптовалюталар ва блокчейн технологияси. Интернет ва электрон савдо ривожланган сайин инсонларнинг “узоқлардан-масофадан туриб” электрон пуллар тўлашларига тўғри кела бошлади. Бунда пулни масофадан туриб қўлдан қўлга беришнинг эса умуман иложи йўқ. Шунинг учун ҳам пулларни бир инсондан иккинчисига масофадан туриб ўтказиш жараёнида ўзига ҳос воситачиларга, яъни электрон тўлов тизимлари, банк ёки қуръерларга мурожаат этиш керак бўлади. Ҳар қандай воситачи эса бажараётган пул ўтказмаларига боғлиқ бўлган операцияси учун қандайдир тўлов олиб қолади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни ҳоҳламайди. Ўтказилаётган пул микдори қанча кўп бўлса, воситачига бўлган тўловлар туфайли пулни йўқотиш ҳам шунчалик кўп бўлди, албатта. Ахборот технологиялари ва электрон савдо ривожлангани сари кўпчилик одамлар пул ўтказмалари билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш борасида ўйланиб қолишиди, яъни, қандай қилиб ушбу ҳаражатларни камайтириш ва пул ўтказмалари фойдали иш коефициентини иложи борича юз фоизга оширган холда электрон бизнесни юритиш мумкин? Бу борада турли хилдаги таклиф ва мулоҳазалар жуда кўп эди, лекин уларнинг барчаси бир қанча сабабларга кўра рад этилди. Чунки товар ва хизматлар олди-соттиларидағи воситачиларга бўлган тўловларни олиб ташлаганда ҳам, турли-туман фирибгарлардан қандай ҳимояланиш – пулни айнан Сиз ўтказганингиз ёки уни олганингизни қандай исботлаш мумкин? Бу муаммонинг ечими 2009-йилларда **Сатоши Никамото** деб номланган шахс ёки шаҳслар гуруҳи томонидан мураккаб криптографик математик хисоб-китоблар натижасида ишлайдиган Янги электрон тўлов тизимини оммага тақдим этгандан сўнг топилди. Бундай тўловларни амалга оширишда ишлатиладиган пул бирлигининг номи эса **биткоин** деб аталди. Биткоин криптографик электрон пул бирликлари маҳсус электрон ҳамёнларда сақланиб, бундай ҳамёнларга пул тушириш ва уларни турли хил мақсадларда ишлатиш мумкин. Бирор-бир биткоин-ҳамён ҳисобидан қанча электрон пул кетгани ёки унга келганини аниқлаш учун, мутахассислар бир ҳамёндан ёки бошқа манзилдан

ушбу электрон ҳамёнга қанча биткоинлар келганини барчага очиқ холда кўрсатишни таклиф этдилар. Яъни, сиз криптовалюта тармоғига уланганингизда, барча биткоинлар олди-сотдисини аниқ ва равшан қўришингиз ва кузатишингиз мумкин бўлади. Шунингдек, барча биткоин ҳамёнлар анонимдирлар (яъни, ҳамённинг эгаси ким эканлиги айтилмайди), шунинг учун ҳам Сизнинг танишингиз қайси ҳамён уники эканини айтмаган бўлса, Сиз ҳеч қачон бу ҳақида била олмайсиз. Тизимдаги ҳисоб-китобларни мунтазам равища амалга ошириб бориш кераклиги туфайли, биткоинларнинг маълумотлар базаси тезкор ишлаши учун катта қувватли замонавий компьютерлар керак бўлади. Бундай қувватли компьютерга эга бўлиш учун минглаб компьютерларни ягона тармоқقا улаш талаб этилади. Бу компьютерлар фойдаланувчиларнинг компьютерлари ҳам бўлиши мумкин албатта. Улардан бири эса истагингизга кўра Сизнинг компьютерингиз бўлиши ҳам мумкин. Агарда фойдаланувчи, ўз компьютери видеокартаси қувватини тегишли дастурлардан фойдаланган холда биткоин тизимини қўллаб-қувватлаш учун тақдим этса, бу ёрдами учун унга ўша биткоин валютасининг ўзида мукофот беришади. Бундай пул топиш усули эса “**майнинг**” дея ном олган. Куйида замонавий криптовалютанинг афзаллик ва камчиликлар томонларини келтириб, уларга изоҳ берамиз.

• **Чегараланган.** Криптовалюта яратилган алгоритмга асосан, жаъми 21000000 гача биткоин топиш мумкин, бундан сўнг эса биткоин етиштириш тўхтатилади. Бунинг оқибатида нима бўлишини ҳеч ким билмайди, агарда молиявий портлаш бўлмаса, криптовалюта муомалада қолади ва вакти-вақти билан ўз курсини ўзгаритириб тураверади.

• **Тўлиқ маҳфийлик.** Биткоин-ҳамённинг рақамлари орқали унинг эгаси ким эканлигини билиб бўлмайди, бунинг оқибатида ноқонуний пул айлантириш ва фирибгарликка йўл очилади.

• **Таъминланмаганилик.** Криптовалюта, реал пулларга ўхшаб, доимий резерв билан таъминланмагани ва бу билан боғлиқ бошқа сабабларга кўра, биткоин курси кутилмаганда тўлиқ нолга тушиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

• **Расмий равища ишламайди.** Биткоин молия тизимиға ёмон таъсир кўрсатиши мумкин, шу сабабли кўп давлатлар (шу жумладан, бизнинг мамлакат ҳам) криптовалютага ишончсизлик билан қарайди. Россияда биткоин етиштириш билан шуғулланганларни жавобгарликка тортиш бўйича қонун тайёрлашган, лекин ҳозирча бу иш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Балки биткоинлар ҳеч қачон расмий ишламаса ҳам керак, чунки уни қонунийлаштиришса, биткоин реал валютани ўрнини эгаллаши ҳам мумкин бўлади.

Унчалик машхур эмас. Ҳозирча кўпгина молиявий муассасалар, Интернет-дўконлар ва бошқа сервислар биткоинга ишонишмайди ва криптовалюта эвазига маҳсулот сотмайдилар. Машхурлашиши чегаралангани боис Биткоин тўлиқ ишлатилмаяпти.

Ҳозирги даврдаги энг машхур криптовалюталарнинг эмблемаларини (шартли белгилари, пиктограммаларини) қуйида назардан кечиришингиз мумкин:




Хозирда криптовалюта жүннатмалари учун блокчейн технологияси қўлланилмоқда.


Блокчейн (блоклар занжири) – тақсимланган маълумотлар тўплами бўлиб, унда маълумотлар сақлаш қурилмалари умумий серверга уланмаган бўлади. Бу маълумотлар тўплами блоклар деб аталадиган ва тартибга солинган қайдлар доимий ўсиб борадиган рўйхатда сақланади. Ҳар бир блок вақт белгисига ва бундан олдинги блокка ҳаволага эга бўлади. Шифрлашни қўллаш шуни кафолатлайдики, фойдаланувчиларнинг уларсиз файлга ёзув киритиш имкони бўлмайди, ёпиқ калитлар мавжудлиги эса блоклар занжирларининг маълум бир қисминигина ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, шифрлаш барча фойдаланувчиларда блоклар тақсимланган занжирлари нусхаларини синхронлаштириши таъминлайди. Баъзида блокчейн технологияси «қадриятлар интернети» деб аталади ва биз буни яхши метафора деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир киши интернетда ахборот жойлаштириши, сўнгра бошқа одамлар унга дунёning исталган нуқтасидан туриб уланиш имконига эга бўлиши мумкин. Блоклар занжирлари блокчейн файли ёки қандайдир қадриятлар очик бўладиган дунёning исталган нуқтасига маълумотлар жўнатишга имкон беради. Бироқ сизда фақат сиз «эгалик» қиласидан блокларга кириш имконини бериш учун криптографик алгоритм бўйича яратилган ёпиқ калит бўлиши лозим. Ёпиқ калитни кимгадир берар экансиз, моҳиятан бу шахсга блоклар занжирининг мос келувчи бўлимида сақланадиган пул маблағларини берган бўласиз. Биткоинлар ҳолатида, калитлар тўғридан-тўғри молиявий қийматни ифодалайдиган валютадаги айрим суммалар сақланадиган манзилларга уланиш учун фойдаланилади. Худди шу билан маблағларни ўтказишни қайд қилиш функцияси амалга оширилади. Бундан ташқари, яна бир муҳим функция –ишончли муносабатлар ўрнатиш ва шахснинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш амалга оширилади, чунки мос келувич калитларсиз блоклар занжирини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Тегишли калитлар билан

тасдиқланмаган ўзгаришлар эса рад қилинади. Албатта, калитлар (жисмоний валюта каби) назарий жиҳатдан ўғирланиши мумкин, лекин компьютер кодининг бир нечта сатрини ҳимоя қилиш одатда катта ҳаражатлар талаб қилмайди.


Блокчейнни тушуниш ушун аввало пулнинг асосий вазифаси нима эканлигини тушуниб оламиз. Пулнинг асосий вазифаси инсонлар орасидаги савдо жараёнини осонлаштиришдир:




Агарда пулнинг жамиятдаги ҳаракатини таҳлил қилсак, жуда ҳам мураккаб жараёнлар кўз олдимизга келади:




Бунда барча ҳисоб китоблар табиийки, бухгалтерия орқали амалга ошади:




Бухгалтериядаги маълумотлар эса конфиденциал ва уларни бошқариш анчагина мураккаб масаладир. Ушбу вазифани осонлаштириш учун бир қанча турдаги воситачилар ҳизматидан фойдаланиш мумкин. Масалан, банклар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар. Бу эса ҳисоб ишларини жуда ҳам мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун ҳозирги пайтда блокчейнлардан фойдаланган холдаги тақсимланган бухгалтерия концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Уни схематик кўринишда қўйидагича тасвириллашимиз мумкин:




Бунда бухгалтерия китоблари тармоқда жойлаштирилиб, барча учун бирдай кўринишга эга бўлади ва ҳеч ким унга эгалик қилолмайдиган кўринишга келади. Натижада биз тақсимланган бухгалтерия концепциясига келамиз. Бунда бухгалтерия китобларининг барча нусхалари бир хил бўлади. Барча транзакциялар эса барча тармоқ иштирокчилари тармоқ орқали қўра оладиган оммавий холатга келади:




Нотўғри транзакцияларни эса бошқалардан беркитиб бўлмайди, улар дархол барчага ошкор бўлади-қўяди:



Хар бир алоҳида транзакция эса майнерлар томонидан тасдиқланади ва фойдаланувчилар томонидан текшириб турилади:




Булар ҳаммаси блокчейн деб аталган компьютер тармоғи воситасида амалга оширилади:




Демак, блокчейн бу бир хил ҳуқуққа эга бўлган ва тармоққа P2P (пеер то пеер) усулида уланган бир қанча компьютерларга ёзилган маълумотлардан иборат журнал бўлиб, унда исталган турдаги ва қўринишдаги маълумотлар (масалан, пул операциялри, контрактлар, патсентлар ҳақидаги маълумотлар, турли қўринишдаги билимлар ва бошқалар) сақланиши мумкин. Блокчейнларда кўпинча ақлли контрактлар тушунчаси ишлатилади. Ақлли контрактларга ўтишдан аввал контракт нималигини эслатиб ўтамиш:


Контракт бу икки ёки ундан кўп шахлар орасида қандайдир хуқуқ ёки мажбуриятларининг тузилганлиги, ўзгарганлиги ёки тугаганлигини аниқлаб берувчи хужжатдир. Унда қандайдир ходисанинг рўй беришига олиб келувчи шарт-шароитлар мажмуси аниқлаб берилади. Ақлли контракт эса, реал дунёда ёки рақамли оламда қандайдир ходисанинг рўй беришига олиб келувчи шарт-шароитлар мажмусини аниқлаб берадиган электрон алгоритмдир. Ақлли контрактларнинг амалга оширилиши учун инсоний факторни умуман четга чиқариб ташлайдиган марказлашмаган муҳит керак бўлади. Агарда ақлли контрактда бирор-бир нарсанинг баҳосини узатиш ёки ишлатиш ёки кўрсатиш зарур бўлса, у ҳолда криптовалютани ишлатиш лозим бўлади. Масалан, агарда биткоин блокчейнида ақлли контрактни ишлатсак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Ақлли контракт орқали блокчейнда исталган турдаги маълумотларни сақлай оламиз. Масалан:




Блокчейнлардан фойдаланишга яна бир мисол сифатида домен исмларининг тақсимланган доменли тизимини кўрсатишимиш мумкин:



Блокчейндан жақон миқёсида фойдаланиш бўйича яна бир қанча реал мисолларни қуйидаги тасвир орқали тасаввур қилишингиз мумкин:

IDC Market Glance: Blockchain



Хозирда блокчейнлар асосан криптовалюта жўнатмалари учун фойдаланилмоқда. Бироқ шу билан бир вақтда у турли ташкилотларнинг турли туман мақсадларини амалга ошириш учун ҳам фаол жорий этилмоқда. Блокчейннинг афзалиги унинг шаффофф, тезкор, соддалиги ва қийматида. Сиз криптовалюта ёки бирор-бир маълумотни блокчейн орқали жўнатган бўлсангиз, бундай жўнатма хақида маълумотни ўзгартириш ёки қалбакилаштиришнинг умуман имкони йўқ. Чунки бу жараён бутун дунё бўйича юз минглаб компьютерлар томонидан тасдиқланади. Айнан ушбу компьютерларда ушбу маълумотнинг кўплаб нусхалари сақланади — улар билан исталган фойдаланувчи исталган вақтда танишиши мумкин. Жўнатма жараёни марказлашмаган ҳолда бор-йўғи бир неча дақиқа вақт олади ва банк жўнатмасидан бир неча ўн марта арzonдир. Агар сиз пулларни ёки қандайдир маълумотни блокчейнда сақласангиз, ушбу қайдлар ҳеч қачон йўқолиб кетмайди ёки сохталаштирилмайди. Бозорнинг исталган иштирокчиси исталган дақиқада молиявий аҳволингизга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Блокчейнда

хеч қандай учинчи томон ёки воситачи иштирокисиз, тўлиқ шаффоффлик ва хисоблар аниқлигининг математик кафолати таъминлаб берилади.

6.Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос жиҳатлари.

Маркетинг фаолиятининг ахборот ва коммуникацион таъминланиши. Ҳар бир корхонанинг маркетинг тизимида ахборот асосий аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай маркетинг фаолияти товарлар ишлаб чиқариш бозорида вужудга келган аниқ вазиятли билишга асосланади. Кўпгина маркетинг тадқиқотлари ва тадбирларининг мақсади ахборотларга эришишга қаратилгандир. Бу тадбирларнинг бажарилиши маркетинг фаолиятининг обьекти ҳақидаги дастлабки билимларни талаб қиласди, амалга ошириш жараёнининг ўзи эса жорий таъсирларга тузатишлар киритиш ва бўлғувси маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш мақсадларида обьект билан тескари алоқани ўрнатиш учун зарур бўлган янги маълумотларни яратади. Товарни сотиш бозори томон ҳаракатлантиришни ташкил қилиш вазифаси бу ерда мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин, уни ечишдан олдин маҳсулотнинг таклиф қилинаётган турига нисбатан талабни синчиклаб ўрганиш, истеъмолчиларнинг ҳарид қилиш қобилиятларини баҳолаш, рақобатдаги фирмаларнинг бозордаги фаолиятини таҳлил қилиш керак .

Зарур маркетинг ахборотларининг йўқлиги, ноаниқ ва муҳим бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш жиддий иқтисодий хатоларнинг сабаби бўлиши мумкин.

Маркетинг ахборотларидан фойдаланишдан мақсад бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида ноаниқликлар даражасини аниқлашдан, камайтиришдан иборатдир.⁷

Бу эса ўз ўрнида турли – туман ахборотларнинг катта ҳажмини йиғиши, сақлаш, узатиш ва ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Ахборотларга асосланиб ва янги ахборот эҳтиёжларини яратиб, замонавий маркетинг ахборот технологияларидан фойдаланмасдан, ривожланган ахборот базаси ва коммуникация тизимларини яратмасдан самарали маркетинг фаолиятини юритиши мумкин эмас.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари маркетингида компьютер технологияларини қўллаш – давр талаби. Маркетинг маълумотларини доимо кузатиш ва сақлаш тизимида ахборотларни йиғиши бошқа маркетинг операциялари орасида катта ўринни эгаллайди, чунки у ахборотларнинг хусусиятлари бўйича турли-туман манбалар билан боғлиқдир.

Маркетинг корхонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш тамойили сифатида ташкил қилинади. Шунинг учун истеъмолчиларнинг талабларини қаноатлантириш ва энг катта фойда олиш мақсадларида бозор

⁷ Jean D. Habyaremye , Jules Miller Marketing Information System Paperback – August 8, 2013.

эҳтиёжларини ҳар тарафлама ўрнатиш нуқтаи назаридан мұхитнинг қуидаги қисмлари ҳақидаги билимларга сұянади:

- товар ва хизматлар базори;
- товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш ва сотиш базори билан боғлиқ ташқи макроиктисодий күрсаткичлар.

Маркетинг бошқариш тизимидағи ахборотларни шакллантириш ва фойдаланишнинг асосий тамойиллари қуидагилардир:

1. Ахборотларнинг мұхимлиги маркетинг мұхитининг ҳолатини, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида акс эттирилишини билдиради.

2. Маълумотларнинг ишончлилиги, ишлаб чиқариш, базор ва ташқи мұхитни обьектив ҳолати ва ривожланишини аниқ катта тикланишига асосланған.

3. Маълумотларнинг релевантлиги ахборотларни шакллантирган талабларга түлиқ мослигини ва кераксиз маълумотлар билан ишлашдан кутилишга имкон беради.

4. Тавсифларнинг түлиқлиги маркетинг мұхитининг ҳолати ва ривожланишига тәсирини шакллантирувчи ва күрсатувчи барча омилларнинг обьектив ҳисоби учун мұхимдир.

5. Маълумотларнинг мақсадға мувофиқлиги уларни ички ва ташқи базорларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги аниқ мақсадлар ва вазифаларга қаратади.

6. Мувофиқлаштирилганлик ва ахборот бирлиги хulosаларда зиддиятлар, бирламчи ва ишлаб чиқылған маълумотларда мослаштирилганлик имкониятини йўқотувчи күрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши талаб қиласиди.

Корхонада маркетинг бошқарувининг ахборот тизимлари. Маркетинг ахборот тизимлари муаммо соҳасининг бутун таркибий қисмларини бутлиги ва ўзаро боғлиқлиги асосида қурилади.

МАТнинг муаммо соҳаси ўз ичига ички ва ташқи ахборотлар маркетинг тадқиқотлари ва ахборотлар таҳлилиниң натижалари тизимини олади. Ички ахборотлар тизими – корхона фаолияти ва ҳолатининг ҳар хил томонларини акс эттирувчи маълумотларга эга бўлади. Ташқи ахборот тизими – бунинг ёрдамида ташқи мұхитда вужудга келадиган ҳодиса ва вазиятлар ҳақида маълумотлар олинадиган манбалар ва услубий йўлларга мўлжалланган.

Ахборот – тижорат фаолиятининг предмети сифатида. Корхона маркетинг ахборот тизимларида коммуникацион жараёнларни аҳамияти ва хусусиятлари ахборотларни йиғиши, рўйхатга олиш ва узатиш ҳамда корхонанинг базор ва ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишдаги тескари алоқа вазифасини амалга оширишда энг кўп даражада намоён бўлади. Ахборотларни йиғиши ва рўйхатга олиш, ташкил қилиш босқичлари маркетинг фаолияти коммуникацион жараённинг ажралмас қисми бўлади. Уларни амалга ошириш кўп меҳнат талаб қилишни тегишли малакага эга бажарувчиларнинг мавжудлиги ва катта молиявий ҳаражатлар билан боғлиқдир.

Маркетингнинг ахборот таъминоти. Маркетингнинг ахборот таъминоти аниқ фойдаланувчиларнинг ахборотга эҳтиёжини

қаноатлантиришнинг, уни олиш, ишлаб чиқиш, жамлаш ва фойдаланиш учун қулай кўринишида топширишнинг маҳсус усуслари ва воситаларини қўллашга асосланган жараёндир.

Маркетинг тадбирларини бажариш учун зарур ахборотлар мажмуасини одатда **маркетинг ахборотлар тизими** деб аталади. Уни шаклланиши ва фаолият юритиши маркетингнинг ахборотли таъминланиши тизимига суянади.

Ривожланган МАТ ўз ичига қўйидаги тизимларни олади:

1. Ички ахборотлар;
2. Ташқи ахборотлар;
3. Маркетинг тадқиқотлари ахборотлари.

Белгиланиши бўйича маркетинг ахборотларини қўйидагиларга бўлиш мумкин:

Маълумотномавий ахборот – таниширувчи, ёрдамчи ҳарактерга эга.

Тавсияли ахборот – маҳсус маркетинг тадқиқотлари натижасида ёки босма нашрлар ва тижорат маълумотлари банкларида келтирилган маълумотларининг таҳлили асосида шакллантирилади.

Меъёрий ахборот – асосан ишлаб чиқариш соҳасида шаклланади ва ўз ичига ишлаб чиқаришнинг турли элементларининг меъёрлари ва меъёрномаларини ҳамда меъёрий қонунчилик хужжатларини олади.

Сигналли ахборот – одатда маркетинг муҳити обьектларининг ҳақиқий ҳулқини режалаштирилганидан четга чиқиши пайдо бўлишини боришида вужудга келади.

Четда чиқишининг сабаблари белгилангандан кейин уларни бартараф қилиш мақсадида **тартибга солувчи ахборотда** акс эттирилган тегишли тадбирлар бажарилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши, унинг жаҳон интеграцион жараёnlарига фаол қўшилиши хорижий шериклар фойдаланилаётган энг янги технологияларини тадбиқ этишга мажбур қилмоқда.

Бугунги кунда бутун жаҳон бозори компьютер технологиялари билан тўладир.

Бутун жаҳонда талаб ва таклиф бўйича ахборотлар маълумотлар базасида сақланади, чунки бозор муносабатлари бозорни баҳолаш бўйича ҳудди шундай ахборот таъминоти жиҳатдан қўллаб-қувватлашга зарурият туғилади. Бу хусусан, ҳаммадан аввал йўлдошли алоқа коммуникацион тизимлари, маълумотларнинг йирик банкларига қаратилган глобал ахборот тизимларидир.

Ахборотларни тижоратли тарқатиш саноати ва технологиялари. Замонавий компьютер технологиялари бизнинг фикримизча ахборот манбаларига жадал киришга, уларни олишга, ишлаб чиқишига ва фойдаланувчи учун керакли ахборотларни белгилангандан вақтда ва кўрсатилган шаклида ишлаб чиқишига имкон берувчи дастурий техник қурилмалар, коммуникациялар оргтехника ва алоқа воситалариdir.

Керакли маркетинг ахборотларини сақлаш, ишлаб чиқиши ва талаб қилинган шаклида тақдим этишни таъминловчи восита маркетинг ахборот бошқарув тизими бўлади.

Ахборотлар соҳаси корхоналарида маркетингнинг техникаси ва стратегиясини тадбиқ этилиши нафақат катта ҳажмдаги тадқиқот ва ҳисоблаш ишлари сабабли, балки шаклланаётган ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг тузилиши, таркиби ва мазмунини режалаштиришда бозор вазиятларини худди шундай ҳисобга олиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари жараёнида олинган дастлабки таҳлилий ахборотларини талқин қилишнинг бир маъноли эмаслиги ва уларни ўзлаштиришнинг мураккаблиги натижасида катта қийинчиликлари билан боғлиқ. Ушбу ҳолат ахборот маҳсулотлари ва хизматлари маркетингига замонавий компьютер технологияларини жалб қилишни талаб қиласди.

Маркетинг ахборот бошқарув тизимлари – бу ҳаммадан аввал информатиканинг замонавий ахборот коммуникацион ва дастурий воситалари асосида фаолият юритувчи интерактив хизматларнинг маркетинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маркетинг ахборотларини йиғиш, сақлаш, фаоллаштириш ва ишлаб чиқиши таъминловчи мажмуидир.⁸

Ҳозирги вақтда ҳар томонлама ривожланган жамиятни ахборотлашган деб атайдилар. Замонавий ахборот технологиялари туфайли инсоннинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолияти, унинг кундалик мулоқот соҳаси жаҳон цивилизацияси томонидан ишлаб чиқилган тажрибалар, билимлар ва маънавий бойликларни жалб қилиш ҳисобига ҳақиқатдан ҳам чегараси кенгаймоқда.

Инсон яшаётган дунё моддий ва номоддий объектлардан, ҳамда улар ўртасидаги алоқалар ва ўзаро ҳамкорликлардан иборатdir. Сезги органлари асбоблар ёрдамида қайд этилувчи атрофдаги дунёнинг далиллари маълумотлар деб аталади. Улар аниқ вазифаларни ҳал қилган тақдирда ахборотларга айланади. Вазифаларни ечиш натижасида янги билимлар тизимлаштирилади, ҳақиқий ёки текширувдан ўтган қонунлар, назариялар, тасаввурлар ва қарашларнинг бошқа мажмуалари кўринишида умумлаштирилган маълумотлар пайдо бўлади. Кейинчалик бу билимларнинг ўзлари бошқа вазифаларни ечиш ва ўтганларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларнинг таркибиға киришлари керак бўлиши мумкин.

Тижорат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўзларининг моделларида фойдаланувчиларнинг моделларини ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қиласди.

Шундай қилиб, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида яратилаётган ва тарқатилаётган асосий товар «ахборот маҳсулотлари ва хизматлари» дан иборат. Ўз-ўзича маълумотларнинг мавжудлиги, ҳатто ноёб бўлсада, агар фойдаланувчи уларни энг қулай шаклда ололмаса, тижорат муваффақиятини кафолатламайди.

Энг умумий кўринишда ахборотларни тижоратли тарқатишнинг замонавий технологияларида, фойдаланувчилар ўзларининг терминал қурилмалари ёрдамида ахборот маҳсулотлари билан «мулоқот» қиласди. Улардан асосийси маълумот базалари белгиланган муаммо соҳага тегишли машина ўқийдиган шаклдаги маълумотлар тўпламлари, ҳамда турли

⁸ Jean D. Habiyyaremye , Jules Miller Marketing Information System Paperback – August 8, 2013.

маълумотли директориялар МБ да фойдаланувчиларга қидиришни енгиллаштирувчи рубрикаторлар ва бошқа маълумотлардир.

Умуман МБ саноатининг асосий таркибий тузилмалари қуйидагилар:

1. Ахборот маҳсулотлари ва хизматларини шахсан ишлаб чиқарувчилар:

МБ ни ишлаб чиқарувчилар – ахборотларни йифиш ва уларни машина йифиш ва уларни машина ўқийдиган шаклга кўчиришни амалга оширувчи иқтисодий обьектлар.

Интерактив хизматлар – МБ га интерактив усулда киришни амалга оширувчилар, яъни ахборот маълумотлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар, ҳамда интерактив хизматлар бозорининг асосий элементи бўйича иқтисодий обьектлар;

2. Телекоммуникацион хизматлар;

3. Фойдаланувчилар якуний ва оралиқ фойдаланувчиларга ёки ўз мижозларига ахборот қидириш бўйича хизматлар кўрсатувчи воситаларга бўлинадилар.

Ахборот маркетингини ташкил қилиш. Ахборот фаолиятининг тижоратлашгани сари унга ишлаб чиқаришнинг, бошқаришнинг бозор тамойиллари сифатида маркетингнинг умумий тамойиллари асослана бошланди, бунда хўжалик қарорларини қабул қилишнинг асосида бозор

ахборотлари ётади, қарорларнинг асосланганлиги эса товарларининг сотилиши билан текширилади. Бунинг натижасида ахборот маркетинги вужудга келади.

Ахборот маркетингининг элементлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот бозорини таҳлил қилиш;
- ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг нархларини шакллан-тириш;
- ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар билан уларни фойдаланувчилари ўртасида ўзаро муносабатларини ўрнатиш;
- реклама – тарғибот тадбирлари.

Ахборот бозорининг таҳлили. Ахборот маркетинги дастурининг ушбу босқичи таклиф қилинаётган ахборот маҳсулотлари ва хизматлари учун уларнинг вазифавий параметрларига мос келувчи эҳтиёжларини аниқлаш орқали бозор ҳолатини белгилашга қаратилган. Уни ўтказишнинг натижаси қуйидагиларга нисбатан тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади:

- қандай ахборот МАБга киритилиши керак?
- фойдаланувчи МАБ билан ишлашга рози бўлиши учун қандай талаблар қаноатлантирилиши керак.

Қуйидаги саволларга жавоб бериш учун иккита асосий усул қўлланилади: мавжуд МАБ аналоглари ёки маҳсулотларининг таҳлили; талабнинг таҳлили, бозор сегментларига ажратиш унинг асосий элементи бўлади.

Жудаям тез ўзгариб ва ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан фан ва илмий-техника ютуқларига асосланган замонавий билимларни мукаммал ўрганишни талаб этилмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб, чукур ва келажакка мўлжалланган ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Информатика, ахборот технологиялари саноати иқтисодиёт соҳаларининг ўзаро алоқалари бир-бирига ҳар томонлама кириб бориши шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг мажмуаси миллий иқтисодни ривожлантириш асосини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон ахборот технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун талай интеллектуал имконият ва ахборот захираларига эга.

Статистик ахборот тизимларининг мақсади ва функциялари.

Давлат статистикаси – мамлакат иқтисодиётини бошқариш тизимидағи энг муҳим бўғинлардан бири. У жамият ҳаётидаги оммавий ходисаларни ўрганиш, уларнинг мураккаб ўзаро алоқалари ва ҳамкорликларини аниқлаш, ҳамда иқтисодиётни фаолият юритиш ва ривожланишга илмий асосланган ҳолда баҳо беришга қаратилган.

The screenshot shows the homepage of the State Statistics Committee of Uzbekistan. At the top, there's a banner with the text "O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi". Below it, there are several news cards. One card shows a photo of President Shavkat Mirziyoyev and a foreign counterpart, with the text "O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasingin 72-sessiyasida nutq so'zladidi". Another card shows a photo of the president with a U.S. delegation, with the text "O'zbekiston Prezidenti Xalqaro valyuta jamg'armasi farmoniyish beruvchi direktori qabul qildi". A third card shows a photo of the president with a U.S. delegation, with the text "O'zbekiston Prezidenti Amerika Oo'shma Shtatlariga keldi". To the right, there are boxes for "Davlat ramzlari", "Yuklab olish", and other links. At the bottom, there's a section for "Tahsiliy ma'lumotlar" with links to tourism, macroeconomic reports, and statistical tables. The footer includes a "Savolgaqan uoldingiz" button and a "Savolgaqan uoldingiz" link.

16–расм. stat.uz –Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси веб сайти.

Давлат статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва уларга тегишли корхоналарнинг фаолияти ҳақидаги статистик ахборотларни йиғиши, ишлаб чиқиш ва турли
- фойдаланувчиларга тақдим этиши;

– ҳозирги замонавий босқичда жамият эхтиёжлари ҳамда халқаро андозаларга мос келувчи илмий асосланган статистик услубиятини ишлаб чиқиши;

– барча расмий статистик ахборотлар тўлиқлиги ва илмий асосланганлигини кафолатлаш;

– иқтисодиётни бошқариш идораларининг статистик фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан соҳавий статистик кузатишларини

– ўтказишни таъминлаш;

– барча фойдаланувчиларга мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, иқтисодиётнинг соҳалари ва секторлари ҳақидаги расмий маъruzalarни тарқатиш йўли билан очиқ статистик ахборотларга тенг киришни тақдим этиш ва бошқалар.

Давлат статистикаси мамлакатда статистик ахборот тизимини яратиш учун база бўлиб хизмат қиласи. Давлат статистика идоралари ўз фаолиятини Ўзбекистонда ҳисоб ва статистика тизимида иқтисодиётни ривожлантиришнинг давлат томонидан бошқаришнинг муҳим таянчи эканлигига риоя қилган ҳолда амалга оширади. Бошқарув обьектлари деганда тизимнинг меъёрий фаолият юритиши учун мунтазам назорат қилиш ва тартибга солишини талаб қиласидиган элемент тушунилади. Иқтисодиётнинг соҳалари, уларнинг корхоналари ва ташкилотлари бошқарув обьектлари бўлади .

Давлат статистика идоралари, давлат бошқаруви идоралари иқтисодиёт соҳаларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиб, вазифалар кўринишидаги бошқарувчи ахборот қабул қилингани ва бошқарув обьектларининг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда қайд этилган, мулжалланган харакатларида акс эттирилувчи муҳим сигнал вазифаларини бажаради.

Статистик ахборот тизими мураккаб тизимларининг олдига қўйилган қўйидаги барча талабларига жавоб беради:

- умумий мақсадга эришиш учун тизим элементларининг мувофиқ ўзаро ҳамкорлиги нуқтаи назаридан бирлиги;

- катта ўлчамлилик;

- ҳолатнинг мураккаблиги ва бошқалар.⁹

⁹ James T. Mc ClaveStatistics for business and economics, New Jersey , Pearson Education, Inc. 2005



17-расм. Иқтисодиётни бошқаришида давлат статистикаси идораларининг вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси қошидаги давлат статистика идоралари ўз ишини умумий тамойиллар, давлат статистикасининг ягона услубияти ва уларни ташкил қилиниши асосида бажарилади. Уларнинг **асосий вазифаси** – мамлакатда ҳисоб ва статистика ишига марказлаштирилган ҳолда раҳбарлик қилишdir. Вазирлик тизими бутун республикани қамраб олган, давлат статистика идоралари мамлакатнинг барча маъмурий-худудий тузилмаларида мавжуд. Статистик ахборотлар турли-туманлиги, оммавийлиги ва келиб тушишининг даврийлиги билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси томонидан давлат статистика идораларига республика даражасидаги марказлаштирилган раҳбарлик амалга оширилади. У асосий ҳисоб – статистика маркази сифатида ва Ўзбекистон Республикаси хукумати, республика вазирлик ва қўмиталари, бошқа ташкилотларни статистик ахборотлар билан таъминлайди.

Қўмитага статистик ахборотларни ўз вақтида объектив (тўғри) ва ишончли ишлаб чиқиши, уларни кўрсатилган идоралар ва кенг жамоатчиликка ягона илмий услубият асосида етказиб бериш вазифаси юкланган. Статистиканинг вилоят идоралари, корхоналар ва ташкилотлар билан бевосита ва доимий ахборотли мулоқатда бўлиб, уларга ҳисоб ва ҳисботни ташкил қилишни амалий ёрдам кўрсатади ва ўз минтақасида асосий ахборот манбаи бўлади.

Давлат статистика идоралари статистик ишларнинг ягона услубияти ва ягона режаси бўйича ишлайдилар, улар тегишли юқори идоралар томонидан тасдиқланади. Бу режага киритилган вазифалар иқтисодиёт соҳаларига мос келувчи статистика соҳалари бўйича тақсимланган.

Турли соҳаларда хал этиладиган статистик вазифалар нуқтаи назаридан тартибга солувчи ва сўров вазифаларига бўлинади. Тартибга солувчи вазифалар

деганда статистик ҳисобот маълумотларини вазирликнинг тегишли даражасида ишлаб чиқиши вазифаси тушунилади. Ҳар бир тартибга солувчи вазифа, қоидага кўра, статистик ҳисоботнинг баъзи бир аниқ шакли ёки бир неча шаклининг шаклланиши билан боғлик.

Бундай вазифаларни ечиш учун яқин вақтларга қадар *ахборотларни электрон усулда ишлаб чиқиши мажмуалари* (АЭИЧ) ёрдамида амалга ошириладиган ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган. Улар қўмитанинг турли даражаларида тартибга солувчи вазифаларни ечишни таъминловчи амалий дастурлар пакетлари мажмуасидан иборат бўлади.

Статистика қўмитасида АЭИЧнинг икки тури фаолият юритмоқда, улар шартли равишда тизимли ва маҳаллий АЭИЧ деб аталади. Тизимли АЭТЧдан даражалар ўртасидаги техник манбалар ва алоқа каналлари бўйича маълумотларни алмаштириш билан ушбу вазифани ечишда иштирок этувчи турли даражалардаги намунавий ахборот технологияларидан фойдаланилади. Маҳаллий АЭИЧлар статистик вазифани автоматлаштирилган ечимини таъминлайди, уларда корхона ва ташкилотларнинг бирламчи ҳисоботлари дархол Статистика қўмитаси Бош ҳисоблаш марказига юборилади.

Ҳозирги вақтда АЭИЧлардан фойдаланиш асосан тизимли характерга эга, бу бир қатор сабаблар билан белгиланади:

Биринчидан, тартибга солувчи вазифаларни ечишда Статистика қўмитасининг турли даражадаги ҳисоблаш қурилмалари иштирок этади.

Иккинчидан, АЭИЧнинг фаолият юритиш технологияси статистик ҳисоботлар қуида даражадаги корхоналар ва ташкилотлардан бирламчи ҳисоботларни келиб тушишидан бошлаб, Статистика қўмитасининг юқори даражада йиғма ҳисоботларни ишлаб чиқишига қадар бўлган барча босқичларни қамраб олади. Бунда ҳар бир кейинги технология олдинги даражадаги технологиянинг мантиқий давоми бўлади.

Иқтисодий таҳлил вазифаларини ечишни ташкил қилиш. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари бу таҳлилий маълумотларни ахборот технологиялари ва статистик усулларга асосланган ҳолда йўлга қўйишидир. Улар ёрдамида мамлакат ва унинг айrim минтақалари иқтисодиёти турли соҳаларининг ривожланиши доимий ва ҳар томонлама ўрганилади.

Бугунги кунда Давлат статистик ҳисоботларини йиғишида **eStat** - автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланилмоқда.



18-расм. eStat 2.0 -автоматлаширилган ахборот тизими.

Солик тизимида замонавий ахборот тизимлар. Бугунги кунда республика Давлат солик, хизмати органлари фаолиятини бошқариш ишларини мувофиқлаштиришда солик, объектлари ва солик, тўловчи субъектларни тўлиқ рўйхатга олиш, барча турдаги соликлар ва йифимлар ҳисоб-китобини ҳаққоний маълумотлар асосида юритилишини таъминлаш, солик тўлови жараёнларини соддалаштириш, солик, конунчилигининг бузилишини олдини олиш ҳамда солик ва тушумларнинг йигувчанлигини ошириш асосий масалалардан бири булиб, бу уз навбатида соҳада ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқаришни тўғри ташкил этиш, шу асосда солик юкини аниқлашнинг илмий асосланган ва хар томонлама самарали бўлган усулларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат солик, идоралари томонидан ўрнатилган назорат ишларини имкон кадар мукаммаллаштиришни талаб қиласи.

Хукуматимиз томонидан соҳани хар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси солик органлари маълумотларни ишлаш ягона компьютер тизимини яратиш туғрисида»ги 388-сонли карори билан солик, хизмати органларини компьютерлаштириш вазифаси белгаланган бўлса, 1995 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси солик органлари моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ходимларнинг ижтимоий химояланишини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 359-сонли карори билан Давлат солик қўмитаси тасарруфида «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаларидан бири солик хизмати органлари учун дасту-рий маҳсуллар ишлаб чиқиш ва маълумотларга ишлов берадиган ягона компьютер тизимини яратишдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Солиқ хизмати органларида кейинги ун йиллик даврда солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахсларни солиқ идораларида рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва маълумотларга автомат ишлов берадиган ягона ахборот - ҳисобга олиш тизими яратилди. Тизимни самарали ишлашини таъминлаш максадида солиқ тўловларини банклардан автомат равишда олиш ва уларни солиқ тўловчининг шахсий ҳисоб варакаларида юритилишини таъминлаш буйича банклар билан ва чет эллардан тижорат мақсадида товар моддий бойликларини олиб келувчи тадбиркор субъектлар тўғрисида маълумот олиш бўйича Давлат божхона қўмитаси билан маълумот айрибошлаш йўлга қўйилган.

Солиқ идораларида ҳар бир солиқ тўловчи учун электрон ҳисоб варакалари очилиб, унда солиқ тўловчилар туфисида маълумотлар жамланиб, улар асосида маълумотлар базаси ташкил этилган.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида ахборот коммуникация-технологияларини жорий этиш ва уни янада такомиллаштириш максадида Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ва Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги «Электрон ракамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 215-сонли карорлар" кабул қилинди.

Бугунги кунда солиқ хизмати органларида солиқ, тўловчи юридик шахслардан молия ва солиқ ҳисботларни Интернет тармоғи оркали қабул килиш тизими ишга туширилди. Тизимнинг ишлаш принципи содда яратилган бўлиб, ҳисботларни электрон шаклда топшириш учун маҳсус ишлаб чикилган электрон ракамли имзодан фойдаланилади.

Тизимда солиқ органларига тақдим этиладиган солиқ ва молия ҳисботларига қўйилган электрон ракамли имзонинг маҳсус дастурий таъминот ёрдамида ҳаққонийлиги текшириб қўрилади ва тасдигини топгандан сўнг маълумотлар субъектларнинг шахсий ҳисоб варакаларига киритилади, акс ҳолда ҳисботлар қабул килинмайди ва корхонага бу ҳакда маълумот юборилади.

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши:

- солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш, соддалаштириш ва шунигдек баркарорлигини таъминлаш;
- солиқ конунчилигининг бузилишига йўл қўймаслик уни олдини олиш ва назорат ўрнатиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан молия ва солиқ ҳисботларини ҳисоб- китоб қилишда йўл қўйилиши мумкин булган мантикий хатоликларни олдини олиш;
- ҳисбот шаклларини харид қилиш харажатларини, солиқ инспекциясига келиш-кетиш ва навбат кутиш учун кетадиган вақтни иктиносод қилиш;
- тақдим этиладиган солиқ ва молия ҳисботларини автомат тарзда таҳлил этиб, уларнинг шахсий ҳисоб варакаларига ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектларига сифатли хизмат курсатиш ва солиқ хизмати органлари ходимларининг ишини енгиллаштириш ва бошка шу каби масалаларни ҳал этишда ижобий натижага беради.

Солиқ тұловчилар томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда топшириш учун яратилған дастурий маҳсулни Интернет тармогидан soliq.uz сайтига кириб, күчириб олиш имконияти яратилған. Агар солиқ конунчилиги ёки амалдаги мөйөрий х.ужжатларга үзгартыш ва құшимчалар киритилса, унга мос ҳолда дастурий маҳсулот ёрдамида топшириладиган ҳисобот шаклларига хам керакли үзгартыш ва құшимчалар киритилиб, навбатдаги ракамланған янги варианти ишлаб чикилади. Ушбу сайт орқали дастурий маҳсулотнинг янгиланған вариантини ҳеч бир қийинчиликсиз янгилаш имкони яратилған.

Юкорида қайд этилған жараёнларнинг аниқ моҳиятини тушуниш учун бир неча янги тушунчаларни киритамиз.

Электрон рақамлы имзо (ЭРИ) - электрон маълумотнинг асллигини аниқлаш мақсадида маълумот билан бирга қабул қилинадиган, электрон воситалар орқали яратилған үзига хос идентификатор, бошқача килиб айтганда субъект түғрисидаги керакли маълумотларни криптография усулларидан фойдаланиб кодлаштириш.

ЭРИ қуидаги масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради:

- Маълумотнинг муаллифини аниқлаш (идентификация);
- Маълумотнинг асллигини аниқлаш (аутентификация);
- Узатилған Маълумотнинг яхлитлигини таъминлаш.

Булардан ташкари, ЭРИ қуидагилар ҳакида гувохлик бериши шарт:

- Имзо фақат олган шахс томонидан қўйилиши мумкин;
- Фақат шу ҳужжат имзоланған, бошка ҳужжат бўлиши мумкин эмас;
- ҳужжатни имзолаган шахс, имзолагани ҳакидаги фактни бекор кила олмайди.

Тизимдан фойдаланишининг яна бир қулайлиги шундан иборатки, у солиқ хизмати органларида ишлайдиган ходимлар ишини енгиллаштириш ва солиқ тұловчилар учун қулай шарт-шароит яратиш билан бирга солиқ тұловчи субъектлардан қабул қилиб олинған маълумотлар асосида уларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва ўз навбатида солиқ органлари ташкилий структурасини ва ишлаш механизмини такомиллашувига олиб келади.

Бу үзига хос мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг ижобий ҳал қилиниши түртта принципга асосланади:

- уникал маълумотлар базасини яратиш ва унга асосланған ахборот-коммуникация тизимини бошкариш;
- техника ва технология таъминоти;
- дастурий таъминот;
- малакали кадрларни тайёрлаш.

Бугунги кунда солиқларни ҳисоблаш, йиғиши ва уларни таҳлил қилишда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш технологияларини ва шу билан бирга, солиқ тұловчилар билан давлат солиқ хизмати органлари ўртасида солиқ мажбуриятлари бўйича ўзаро муносабатлар жараёнини янада такомиллаштириш бўйича бир неча лойихалар ишлаб чиқилиб, уларни тизимга тадбик этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чикилған.

Солиқ тизимида автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш. Ўзбекистонда юзага келган вазият иктисодиётнинг ривожланишини интенсив йўлга ўтказишни, ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланишни, ишлаб чикишига тобора такомиллашган меҳнат куролларини жорий этишни мухим вазифа қилиб қўймокда.

Буларнинг ҳаммаси ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан самарали фойдаланишни, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги жараёнларига таъсирини кучайтиришнинг энг долзарб вазифасига айлантиrmокда. Ахборотлаштириш замонавий дунё тараккиётининг энг мухим йўналишларидан бири ҳисобланиб, жаҳон фан техникасининг иктисодий ва ижтимоий тараккиёт ўзидаги мужассамлаштиргандир.

Ахборотлар технологияси иктисодий масалаларни ҳал килишда қуидаги асосий жараённи ўз ичига олади:

- Ахборотни йиғиш ва руйхатдан утказиш.
- Ахборотни узатиш
- Маълумотларни кодлаштириш
- Маълумотларни саклаш ва излаш
- Иктисодий ахборотларни кайта ишлаш
- Ахборотни чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш
- Карор кабул килиш ва бошкарув таъсирини ишлаб чикиш.

Маълумки, иктисодий ахборот хамма жараёнларнинг юзага келишида иштирок этади, лекин катор холатларда баъзи жараёнлар иштирок этмайди. Уларнинг амалга оширилиши хар хил булади. Шу ўринда баъзи жараёнлар кайтарилиши мумкин.


Жараён таркиби, уларнинг шаклланиши ва мухим хусусияти куп жихатдан иктисодий объектга боғлик. Ахборотнинг шаклланишидаги асосий жараёнларнинг бажарилиш хусусиятларини кўриб чикамиз:

Ахборотни йиғиш ва руйхатдан ўтказиш хар хил иктисодий объектларда, хар хил кечади. Бу жараён бошкариш жараёнлари автоматлаштирилган халк хужалиги обьекти фаолиятини акс этган бошлангич иктисодий хисоботни йиғиш ва руйхатдан ўтказиш, амалга ошириладиган ишлаб чикиши корхоналари, фирмалар ва бошкаларда анча мураккабдир. Шу ўринда бошлангич маълумотнинг ишончили, тулик ва замонавий булишига катта эътибор берилади. Солиқ идораларида ахборотни йигиши ва руйхатдан утказиш хар хил тушумларни хисобга олиш вактида содир булади. Аввал ахборот йигилади, кейин мустахкамланади. Келтирилган хисоботлар, мисол учун, иш жойларининг узидаги ишлаб чикирилган деталлар, брак деталларнинг сони ва бошкалар хисоблаш натижасида келиб чикади. Ҳакикатдан ахборотни йиғиш учун ўлчаш ишлари, хисоб-китоб, материал обьектларини таккослаш, алоҳида бажарувчиларнинг вактинчалик ва сонли характердаги ишларини хисоб-китоб килиш кабилар амалга оширилади.

Солиқ идораларида солиқ тушумларини хисобга олишнинг автоматлаштирилган шароитида асосий эътибор ахборотларни руйхатдан утказишнинг техник асосидан фойдаланишга каратилади. Ахборотларни

ройхатдан утказишининг техник асоси уз ичига куйидагиларни олади: сонли улчов операцияларини ройхатдан утказиш, ЭҲМ алока каналлари оркали ахборотларни йигиш, узатиш ва бошкалар.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2013 йилда ишга туширилган ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасининг асосий мақсади, ҳудудий давлат солиқ инспекцияларидағи маълумотлар базаларини бир жойга жамлаш, дастурий мажмуалар ёрдамида давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг ўз вазифаларини самарали ва тезкор амалга оширишини таъминлаш, солиқ хизмати идоралари ўртасида ортиқча электрон айирбошлиш алмашувини қисқартириш, маълумотлар базасини самарали бошқариш тизимини яратишга қаратилди.



19-расм. Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими структураси.

Иктиносидий ахборотларни узатиш хар хил иктиносидий объектларда турлича амалга оширилади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимида ахборотни йигиш ва ройхатдан утказиш купинча уни кайта ишлашдан ажратилган холда олиб борилади. Маълумки, ахборотларни йигиш ва узатиш иш жойларининг узида амалга оширилади, уни кайта ишлаш эса - хисоб-китоб марказида олиб борилади.

20-расм. Давлат солиқ құмитаси веб сайты.

Ахборотларни узатиши. Ахборотларни узатиши турли усуллар билан амалга оширилади, курьер ёрдамида, пошта оркали юбориш, транспорт воситалари билан етказиши, узок масофаларга алока каналлари оркали узатиши ва бошкалар.

Узок масофага ахборотни алока каналлари оркали узатиши вактни ва харажатни кискартиради. Уни амалга ошириш учун эса турли маҳсус техник воситалар керак булади. Баъзи ахборотларни йигиши ва руйхатдан утказишнинг техник воситалари иш жойларига урнатилган датчиклардан олинаётган ахборотларни йигиб, ЭҲМда узатади. Бошлангич ахборот пайдо булган жойидан узатилгани каби натижавий ахборот хам тескари йуналишда узок масофага (дистанцион) узатилиши мүмкін. Бу холда натижавий маълумот хар хил асбобларда акс этади.

Ахборотларнинг кайта ишлаш марказига алока тармоклари оркали етиб келиши асосан икки усулда амалга оширилади:

1) машина ташувчиларда;


2) бевосита ЭҲМда маҳсус дастурли ва аппаратли воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ахборотни узок масофага узатиши усули доим ўсиб, ривожланиб бормокда. Бу усул күп қиррали тармоклараро тизимда катта ахамиятга эга. Чунки дистанцион узатиши бир бошқарув боскичидан иккинчисига ахборотнинг утишини тезлаштиради ва маълумотларни кайта ишлашга кетадиган умумий вактни тежайди. Машинали кодлаштириш - бу машина ташувчиларига ахборотни ЭҲМда кабул килинган кодларда ёзиш жараёнидир. Бундай ахборотларни кодлаштириш берилған бошлангич хужжатларни магнит

дискларга ўтказиш йули билан амалга оширилади, сунгра ЭХМга кайта ишлаш учун киритилади. Иктисолий ахборотларни саклаш ва йифиш. Иктисолий ахборотларни саклаш ва йигиш - ахборотлардан куп марта фойдаланиш, ахборотларни доимий қўллаш, бошлангич маълумотларни кайта ишлашгача уларни тўплаш каби заруриятларидан келиб чикади.

Берилган маълумотларни излаш: бу сакланаётган ахборотлардан керакли маълумотни танлашдир. Ахборотни излаш жараёни керакли ахборотга тузилган сурор (савол) асосида амалга оширилади.

Иктисолий ахборотларни кайта ишлаш, чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш; ЭХМда иктисолий ахборотларни кайта ишлаш марказлашган холатда олиб борилади, мини ва макро ЭХМларда эса, бошлангич ахборот хосил бўлган жойнинг узида (яъни у ёки бу бошқарув хизмати мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) нинг ўзида) амалга оширилади.



21-расм. Online тарзда солик ҳисоботларини сайт орқали юбориш.

Солик тизимида автоматлаштирилган ахборот технологияларини жорий қилишда қуидагиларни бажариш лозим:

1. солик тизимининг автоматлаштирилган ахборот технологиялари, яъни замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш;
2. компьютер технологиялари орқали соликларни йифишини автоматлаштириш;
3. соликларни функцияларини бажарилишини автоматлаштирилган ахборот технологиялари ёрдамида ташкил этиш;
4. соликларнинг назорат функцияларини автоматлаштириш.

Соликларнинг назорат функцияси хақиқатдан хам доимий характератда бўлади. Лекин бу функция қайта тақсимлаш функцияси билан ёнма-ён туриб, даромадларнинг тўғри тақсимланаётганлигини, соликларнинг тўлиқ ва ўз

вақтида тушаётганлиги назарий жиҳатдан назорат қиласи. Назорат функцияси солик идоралари ишининг ривожланиши асосидир.

Республикамизда бу соҳадаги ҳисоб-китобни бошқариш, компьютерлаштириш жараёни 1992 йилдан бошланди. 1993 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Солик ташкилотларида маълумотларни қайта ишлашнинг ягона компьютер тизимини барпо этиш” ҳақида қарор қабул қилинди. Қарор худудий компьютер марказларини ташкил этишни, солик тушумларининг замонавий электрон ҳисоблаш техникаси асосидаги ҳисоб-китоб тизимини рақамли идентификацион номер бўйича солик тўловчилар ҳисобини ҳамда соликларни ўз вақтида тўлаб борилишини назорат қилишни автоматлаштиришни кўзда тутган эди.

Солик ташкилотларининг компьютерлаштириш жараёнини ривожлантириш мақсадида 1997 йил декабр ойида Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик Кўмитаси Глобал ахборот тармоғини яратиш ҳақида” қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ равишда, солик хизматининг барча бўлинмалари оро уяли алоқага асосланган ҳолда ахборот алмашинувининг корпоратив телекоммуникацион тизими ташкил этилди.

Солик ахборотини қайта ишлаш автоматлаштирилган тизимларининг ривожланиши билан, Давлат Солик Кўмитаси бўлинмалари замонавий ҳисоблаш техникаси ва ахборот алмашинуви воситалари билан жиҳозланмоқда. Барча солик инспекциялари ва худудий солик бошқармаларида локал тармоқлар тузилган, замонавий телекоммуникация воситалари қўлланилмоқда.

Хизматчиларнинг ишини автоматлаштиришда энг муҳими солик хизмати асоси бўлган - солик инспекциялари фаолиятини автоматлаштиришнинг, солик тўловчилар ва уларнинг солик мажбуриятлари бўйича ягона марказлаштирилган маълумотлар банкларини яратиш, яъни марказий аппаратнинг ўзини ва худудий ташкилотларни ахборот таминотини автоматлаштириш ҳисобланади.

Интерактив хизматлар рўйхати

| | | | |
|---|--|---|---|
| Солик органлари ҳақида | СТИРингзини аниқланг | Электрон солик декларациялари | Имтиёзлар маълумотномаси |
| Фуқароларнинг мурожаатлари | Тўлов топшириқномаларни шакллантириш | Кўп учрайдиган саволлар | Банк реквизитларини солишириш |
| Юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари | Электрон калькулятор | Солик низоларини кўриб чиқиш | ЯТГларнинг электрон ҳисоботлари |
| Текширишлар режа-жадвали | Контрагент ҳақида маълумот | Солик органларининг расмий тушунтиришлари | СМС тўлов |
| Солик тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш | Жисмоний шахслар солиқлари бўйича наслахатчи | Жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари | Электрон қабулхона |
| Норматив хужожатлар | Сўровнома | Солик текшируви натижалари | СМС сўровига кўра ахборот тақдим этиш |
| Электрон солик ҳисоботлари | Электрон маълумотномалар | Квитанция шакллантириш | Ўз бизнесингни ярат |
| КҚС тўловчилари | Мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан маълумот | | Назорат қилувчи органларга текширишлар режа-жадвалидан кўнчирма бериш |

22-расм. www.soliq.uz сайтида Интерактив хизматлар рўйхати.

Хозирги кунда Давлат Солик Кўмитасида истиқболли ахборот технологиялари тадбиқ этилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Рақамли иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Электрон ҳукумат деганда нимани тушунасиз?
3. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари қайсилар?
4. Электрон тижорат анъанавий тижорат усулларидан нимаси билан фарқ қиласиди?
5. Электрон тижоратни ривожлантириш учун Ўзбекистонда қандай имкониятлар яратилмоқда?
6. Биткоин нима?
7. Криптовалюта нима?
8. Блокчейн қандай технология?
5. Маркетингда замонавий ахборот тизимларининг ўзига хос имкониятларини изоҳлаб беринг.
6. Статистик ахборот тизимларининг мақсади ва функциялари нимадан иборат?
7. Солик тизимида замонавий ахборот тизимлар қандай қулийликларни яратиб бермоқда?

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони
2. Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
3. ЎзР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маъruzаси. –Т.: Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.
5. Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори

6. Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги «Электрон ракамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 215-сонли Қарори

7. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

8. Informatika va axborot texnologiyalari: Oliy ta`lim muassasalari talabalari uchun darslik/ S.S. G`ulomov, B.A. Begalov; O`z.R Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti.-T.: Fan, 2010. -704.

9. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. И.Т.Трубилина. М.: Финансы и статистика, 2000.

10. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. Г.А.Титоренко. М.: ЮНИТИ, 2006. – 399 с.

11. Агальцов В.П., Титов В.М. Информатика для экономистов: Учебник. – М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА – М, 2009. – 448 с.

12. Информационные технологии в бизнесе / Под ред. М.Желены.– СПб:Питер, 2002. – 1120 с.

13. Информационные технологии управления: Учеб. пособие для вузов / Под ред. Проф. Г.А.Титоренко -2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.

14. Мхитарян С.В. Маркетинговая информационная система. – М.: Изд-во Эксмо, 2006– 336 с.

15. Vladimir Zwass E-commerce- www.britannica.com

16. Jean D. Habyaremye , Jules Miller Marketing Information System Paperback – August 8, 2013

17. James T. Mc ClaveStatistics for business and economics, New Jersey , Pearson Education,Inc. 2005

Интернет ресурслари

1. www.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
2. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикаси ахборот-таълим портали.
3. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
4. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
5. Websum.uz-миллий электрон тўлов тизим
6. webmoney.ru - Россия электрон тўлов тизими
7. yarmarka.uzex.uz -Ўзбекистон глобал савдо тизими.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Электрон хукумат тизимида ишлаш

1-топшириқ.

Ишдан мақсад: Давлат бошқарувида интернет технологиялари ва интерактив хизматлардан фойдаланиш ҳақида маълумотларга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши:

Қуйидаги сайтлар ва уларнинг имкониятлари билан танишиб чиқинг.

- gov.uz-Хукумат портали;
- president.uz-Президент веб сайти;
- pm.gov.uz -Президент виртуал қабулхонаси.

Ишни бажариш учун намуна: gov.uz-Хукумат портали; president.uz- Президент веб сайти; pm.gov.uz Президент виртуал қабулхонаси интерфейси билан танишиш.


2-топшириқ.

Ишдан мақсад: Stat.uz –сайти интерфейси билан танишиб чиқиш.

Масаланинг қўйилиши:

eStat 2.0 статистик ҳисоботларини йиғишининг автоматлаштирилган ахборот тизими демо версияси имкониятларини ўрганинг.

Ишни бажариш учун намуна:



3-топшириқ.

Ишдан мақсад: soliq.uz , my.gov.uz –сайтлари интерфейси билан танишиб чиқиш.

Масаланинг қўйилиши:

1. soliq.uz сайти билан танишинг. Сайтнинг интерактив хизматларидан фойдаланинг.

2.my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланинг.

Ишни бажариш учун намуна:



Назорат саволлари:

1. Интерактив хизмат деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат интерактив хизматларига нималар киради?

Фойдаланилган интернет ресурслари:

1. gov.uz- Ўзбекистон Республикаси хукумати портали.
2. prezident.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти веб сайти.
3. pm.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси.
4. my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали.
5. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикаси ахборот-таълим портали.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
7. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
8. lex.uz

2-амалий машғулот: Электрон тўлов тизимлари имкониятларини ўрганиш 1-топшириқ.

Ишдан мақсад: Интернет тўлов тизимлари билан танишиш .

Масаланинг қўйилиши:

1. Web Money (<http://www.webmoney.ru>). Web Money тизими ихтиёрий Интернетдан фойдаланувчига хавфсиз нақд пулли тўловларни амалга оширишга, "On-line" режимида Web -топиш дейилувчи электрон нақд пуллар билан ҳисоб -китоб қилишга имкон беради.

2. . Websum сайтида ишлаш. PayNet, FastPay, UniPay, E-pay тизимлари билан танишиш.

Ишни бажариш учун намуна: Websum сайтида ишлаш

The screenshot shows the homepage of the Websum website. At the top, there is a banner with the Websum logo and the text "Система Интернет - розничных платежей". Below the banner, there is a navigation menu with links such as Главная, О компании, Документы, Тарифы, Помощь, Контакты, Портал, Партнёрская программа, СМИ о Нас, Заработка, Форум, and Блог. On the left side, there is a sidebar titled "Панель услуг" (Service Panel) containing buttons for Домены и Хостинг, Пин Коды, Оплата за рекламу, Телевидение, Издания и пресса, Интернет Магазины, Билеты, Телефония, Датацентры, Web Ресурсы, and Безопасность. In the center, there is a main content area with a welcome message: "Добро пожаловать в WEBSUM – систему online платежей, в среду для ведения электронного бизнеса!". Below this, there is information about the company's services and a section titled "Подключение Интернет-магазинов к системе". On the right side, there are sections for "Авторизация" (Registration and Login), "Партнеры" (Partners), and logos for various partners including TURON BANK, Samarqand BANK, and ТПП Узбекистана.

2-топширик.
Ишдан мақсад:Интернет дўконлар ва интернет биржа ҳақида маълумотга эга бўлиш.
Масаланинг қўйилиши:

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли қўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. WEBSUM электрон тўлов тизимидан фойдаланадиган интернет дўконлар қуйида келтирилган:



Ишни бажариш учун намуна:

UzEx интернет биржа – бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAY тизими фойдаланувчиларига, максимал қулийликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни харид қилиш имконини беради.

yarmarka.uzex.uz - Ўзбекистон глобал савдо тизими имкониятларини ўрганиш:

The screenshot shows the homepage of **yarmarka.uzex.uz**. At the top, there's a header with currency information (RU - 1 Dollar), user login fields, and a search bar. Below the header, the main navigation menu includes links for Главная, ВСЕ КАТЕГОРИИ, НОВОСТИ NEW, ЭКСПОРТ, СОСТОЯВШИЕСЯ ТОРГИ, ПОЛЕЗНО ЗНАТЬ, and a search field. A prominent sidebar on the left lists categories such as Компьютеры и оргтехника, Мебель, Бытовые товары, Строительные материалы, Сантехника, Металлические шкафы, Спортивный инвентарь, Продукты питания, Услуги, and Ремонт. The main content area features a large collage of various electronic and household goods. Below this, there's a section titled ЭКСПОРТ with four sub-sections: Футболки (Football shirts), Бязь (Fabric), Хлопчатобумажная пряжа (Cotton thread), and Хлопчатобумажная пряжа (Cotton thread) again. The bottom of the page includes a taskbar with icons for various applications and a system tray showing the date and time.

Назорат саволлари:

1. Интернет тўлов тизимларининг вазифалари қандай?
2. Интернет дўконлар ва интернет биржанинг фарқи нимада?

Фойдаланилган интернет ресурслари:

1. Websum.uz-миллий электрон тўлов тизим
2. webmoney.ru - Россия электрон тўлов тизими
3. yarmarka.uzex.uz -Ўзбекистон глобал савдо тизими.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-КЕЙС.

Корхона ахборот тизимида маълумотларни бут сақлаш ва компьютердан самарали фойдаланиш.

Вазият.

Корхоналарда компьютердан фойдаланилаётганда барча маълумотлар унинг туридан қатъий назар аввало у дискларга файллар кўринишада ёзилади. Дисклар билан ишлаганда бир қанча муаммолар юзага келади. Мисол учун дискда ортиқча файлларнинг қўпайиши ва дискнинг тўлиб қолиши, дискга ёзилган файллар фрагментларнинг қўпайиши натижасида дискдан ўқишининг секинлашиши, диск секторларнинг бузилиши ва ҳакозалар компьютернинг ишлаш самарасига катта таъсир кўрсатади. Вазият ушбу муаммоаларни бартараф қилишни тақозо этади.

Компьютер ҳақида умумий маълумот:

| | |
|-------------------------------|--|
| Компьютер типи: | ACPI ли кўп процессорли компьютер |
| Операцион тизим: | Microsoft Windows XP Professional |
| ОТ янгиланиш пакети: | Service Pack 2 |
| Компьютер номи: | BOSS (AXB) |
| Тизим платаси: | |
| ЦП: | Intel Pentium 4, 3000 MHz (15 x 200) |
| Тизим платаси: | MSI 865PE Neo2-PS (MS-6728 v2.0) (5 PCI, 1 AGP, 4 DDR DIMM, Audio) |
| Тизим платаси чипсети: | Intel Springdale i865PE |
| Тизим(тезкор) хотираси: | 512 Мб (PC3200 DDR SDRAM) |
| BIOS типи: | AMI (09/29/04) |
| Маълумот сақлагичлар: | |
| Дискли сақлагич(қаттиқ диск): | ST3120022A (120 Гб, 7200 RPM, Ultra-ATA/100) |
| ST3120022A бўлимлари: | Ҳажми |
| C: (FAT32) | 9537 Мб |
| D: (FAT32) | 104898 Мб |
| Умумий ҳажми: | 111.8 Гб |

Мухокама учун саволлар:

1. Дискни текширишдан(тестдан ўтказиш) мақсад нима?
2. Дискни дефрагментацияси деганда нимани тушунасиз?
3. Архивлаш нима?
4. Дискни физик ва мантиқий бўлакларга ажратиш деганда нимани тушунасиз?

2-КЕЙС.

“ALPHA SERVICE” ФИРМАСИ АХБОРОТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ҚАНДАЙ ДАСТУР ЗАРУР?”

Вазият.

“ALPHA SERVICE” фирмасининг ахборот тармоғидаги мавжуд доимий ва маҳфий ахборотларни ишончли ҳимоя қилиш зарур.

Топишириқ. “ALPHA SERVICE” фирмасининг мавжуд ахборот тармоғини ўрганиш натижасида доимий ва маҳфий ахборотларни ўрганиш, тармоқдаги хавфлар содир бўлиши мўмкин бўлган манбаларни топиш, антивирус дастурлари бозорини қиёсий таҳлил этиш орқали фирмага зарур бўлган оптимал антивирус дастурини танлаш.

“ALPHA SERVICE” фирмаси тўғрисида ахборот

1. Объект характеристики.

“ALPHA service” фирмаси Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида” ги Қонунига ҳамда республикамиизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари асосида 2002 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган. “ALPHA service” фирмасининг асосий фаолият соҳаси бўлиб, маҳаллий бозорга турли хил инновацион, электрон маҳсулотларни етказиб беришдан иборат. Фирма компьютер тизимларида фойдаланиладиган турли хилдаги электрон жиҳозларни ишлаб чиқаришга ихтиослашган. Ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг бир қисми республикамиизда майший техника, радиоэлектрон товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, авиация саноати, автомобиль саноати корхоналарида эҳтиёт қисм сифатида фойдаланилади, бир қисми эса яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Корхона электрон техника ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарига маҳсулот етказиб беришини ҳисобга олганда унинг ишлаб чиқараётган барча маҳсулотлари стратегик аҳамиятга эга. Корхонанинг конструкторлик бўлимида янги яратиладиган микрочиплар, микросхемалар ва бошқа электрон маҳсулотларнинг лойиҳалари яратилади. Ушбу лойиҳалар жуда мураккаб инженерлик билимларини талаб қиласди. Яратилган ҳар битта маҳсулот камида 5 мартадан маҳсус приборлар ёрдамида тестдан ўтказилади.

Амалиёт шуни кўрсатмокдаки, ахборотни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш, чиқариш ва узатиш жараённида турли хил тасодифий таъсиrlарга дучор бўлади, уларнинг натижасида аппаратли даражада ахборотни тасвирлашни хабарли шаклларида физик ўзгаришлар бўлиб ўтади.

Бундан ташқари корхонанинг барча бўлимларида мажуд техник воситалар ва дастурий маҳсулотлар, ишлаб чиқилган янги ишланмалар мустаҳкам ва ишончли қўриқланади.

2. Ахборотларни алмасиши, қайта ишлаш шароитида локал ва Интернет тармоғининг роли.

Корхона ахборот тизими ва тармоғининг яратилиши ва ривожланиши ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг характеристини ва диапазонини

тубдан ўзгартирди. Ахборотлаштириш шароитида хақиқий аҳамиятга эга бўлган, уларни бошқариш, аҳамиятлиликларни узатиш ёки уларга мурожаат қилиш қўпинча хақиқий бўлмаган ахборотга, яъни мавжуд бўлиши физик ташувчидаги бирор-бир ёзиш билан мажбурий боғланмаган ахборотга, асосланган. Шунга ўхшаш шаклда баъзида физик ва хуқуқий шахсларнинг катта аҳамиятга эга бўлган у ёки бу маҳфий ахборотни ишлатишга, модификациялашга ёки нусхалашга ваколатлари ҳам аниқланади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси Интернетнинг ишлаш шароитларида муҳим аҳамият касб этади. Мутлоқ қўпчилик компаниялар ва ташкилотлар, шу жумладан, “ALPHA SERVICE” фирмаси бугунги кунда ўзининг локал тармоғини Интернетга, унинг ресурсларидан ва афзалликларидан фойдаланиш учун улаган. “ALPHA SERVICE” фирмаси Интернетни турли мақсадларда ишлатади, бунга электрон почта билан алмашиниш, қизиқиб қолган шахслар ва ташкилотлар ўртасида ахборотларни олиш ва тарқатиш ва бошқалар киради. Бош тармоққа уланиш катта афзалликларни беради, аммо бунда уланаётган локал ёки корпоратив тармоқдаги ахборот хавфсизлигини таъминлашда жиддий муаммолар пайдо бўлади. Ўзининг идеологиясидаги очиқлилик туфайли Интернет ёмон ниятли одамларга, муҳим ва маҳфий ахборотни ўғирлаш, ҳалақитларга учратиш ва бузиш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг ички тармоқларига бостириб кириш учун кўп имкониятлар яратиб беради. Ахборот жуда аҳамиятли ёки ўта муҳим бўлганлиги сабабли бундай ахборотни сақлаётган, қайта ишлаётган ёки узатаётган компьютер тизимларига ва тармоқларига нисбатан турли хил ёмон ниятли ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан, бузувчи одам ўзини тизимнинг бошқа фойдаланувчиси қилиб кўрсатишга интилиши мумкин, алоқа каналини билдирилсанда эшитиши ёки тармоқ фойдаланувчилари алмашаётган ахборотни ушлаб олишлари ва ўзгартирishлари мумкин. Тизимнинг ўзининг фойдаланувчиси бузғунчи бўлиши мумкин, у ўзи хақиқатда шакллантирган маълумотдан бўйин товлаши мумкин ёки хақиқатда ҳам узатилмаган маълумотни улар томонидан олингандигини тасдиқлашга интилиши мумкин. У мурожаат қилиши мумкин бўлмаган ахборотга мурожаат қилишга рухсат олиш учун ўзининг ваколатларини кенгайтиришга интилиш ёки бошқа фойдаланувчиларнинг хуқуқларини рухсат этилмаган ҳолда ўзгартириб тизимни бузишга интилиши мумкин. Шу муносабат билан, замонавий ахборотлашган жамиятда глобал ва бошқа тармоқларнинг улкан афзалликлари мавжудлиги билан бир қаторда, уларда ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос муаммоларни ҳам ечишга тўғри келади. Шунинг учун ахборотнинг маҳфийлиги ва бутунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча керакли ишларни амалга ошириш учун самарали воситаларни яратиш ва қўллаш жуда муҳимdir.

3. “ALPHA SERVICE” фирмаси ахборотларига мавжуд хавфлар характеристикаси

“ALPHA SERVICE” фирмаси компьютер тизимларида ахборотни ҳимоя қилиш муаммоси уларнинг яратилиши билан деярли бир вақтнинг ўзида

ахборот устида ёмон ниятли ҳаракатларнинг аниқ фактлари туфайли келиб чиқди.

“ALPHA SERVICE” фирмаси компьютер тизимларини ахборот хавфсизлигини хавфини амалга ошиши жуда мураккаб ва хавфли оқибатлар билан боғлангандир. Уларга қуидагилар тегишлидир:

- **физик бутунликни бузиши** – ахборот сифатини бузишга ёки уни тўлиқ йўқ қилишга йўналтирилган, айниқса ахборотни узатиш тизимларида ва телекоммуникацияларнинг компьютер тармоқларида;

- **руксат этилмаган ўзгартириши** – шу билан тавсифликни, у турли хил хужжатларда, ҳисоботларда ва маълумотлар базаларида берилганларни қалбакилашишига ёки ҳалақитларга учрашига олиб келиши мумкин;

- **руксат этилмаган олиш** – махфий ахборотни бевосита компьютер тизимларидан ва тармоқларидан уларга уланиш йўли билан ўғрилаш, ёки ахборот ташувчиларни ва х.к. ўғрилаш билан тавсифлидир;

- **руксат этилмаган қўпайтириши** – дастурларни ва берилганларни нусхалашга йўналтирган.

Ва табиийки, шунга ўхшаш хавфлардан ва уларнинг оқибатларини ҳимояланиш учун олдиндан уларни амалга ошириш йўлларини топиб олиш керак ва кейин эса ахборотни ҳимоя қилишни мос тизимини ишга тушириш керак.

Куйидаги 1-жадвалда компьютер тизимлари ва тармоқларини хавфсизлиги хавфларини, уларни ташкил этувчиларига таъсир этилганда, амалга оширишни асосий йўллари кўрсатилган.

1– жадвал


Компьютер тизимлари ва тармоқлари учун хавфсизлик хавфини амалга ошириш йўллари

| № | Таъсир этиш объектлари | Ахборот махфийлигини бузилиши | Ахборот бутунлигини бузилиши | Тизимни ишга лаёқатлигини бузилиши |
|---|------------------------|---|---|--|
| 1 | Аппарат воси-талари | Рұксат этилмаган уланиш; ресурсларни ишлатиш; ташувчи-ларни ўғирлаш | Рұксат этилмаган уланиш; ресурсларни ишлатиш; ўзгартириш; режимларни ўзгартириш | Режимларни рух-сат этилмаган ўзгартириш; ишдан чиқариш; бузиш. |
| 2 | Дастурий таъминот | Рұксат этилмаган нусхалаш; ўғирлаш; ушлаб олиш. | Рұксат этилмаган муро-жаат этиш; «Троян оти» вирусларни, «Чувалчанг-ларни» тадбиқ қилиш | Рұксат этилмаган ҳалақитга учраш; ўчириш; алмашти-риш |

| | | | | |
|---|------------|---|--|---|
| 3 | Маълумотар | Рухсат этилмаган нусхалаш; ўғирлаш; ушлаб олиш. | Рухсат этилмаган ҳала-қитга учраш; ўзгартириш. | Рухсат этилмаган ҳалақитга учраш; ўчириш; алмаш-тириш |
| 4 | Ходимлар | Сирни очиб қўйиш; ахборотни ҳимоя қилиш тизими тўғри-сида маълумотларни узатиш; совуқконлик | «Маскарад»; шантаж қилиш; ходимни сотиб олиш. | Иш жойидан кетиш; физик бартараф этиш. |

4. “ALPHA SERVICE” фирмаси ахборот тизими характеристикаси ва таҳлили.

“ALPHA SERVICE” фирмаси бўлимлар ўртасида ахборотларни оператив узатиш, қайта ишлаш ва архивлаштириш мақсадида “Ҳалқа” компьютер топологиясидан фойдаланган.



1-расм. “ALPHA SERVICE” фирмаси ахборот тизими топологияси

Ушбу топологияга асосан битта бўлимда яратилган ахборот бошқа бўлимга, унда қайта ишланган ахборотлар эса кейинги бўлимларга узатилади ва ҳоказо. Бу ерда энг катта хавф бўлиб, битта бўлимда бирор дастурга компьютер вируси кирган бўлса, ушбу вирусли ахборот бошқа бўлимларга ҳам ўтиши мумкин.

Муаммо:

“ALPHA SERVICE” фирмасининг ахборот тармоғидаги мавжуд доимий ва махфий ахборотларни ишончли ҳимоя қилиш учун оптималь антивирус дастурини танлаш зарур.

Топшириқлар:

1. Ахборот хавфсизлиги нима?
2. Ахборотларга қандай хавфлар мавжуд?
3. Ахборотларга жисмоний хавфларни тушунтириб беринг.
4. “ALPHA SERVICE” фирмаси танлаган компьютер тизими топологияси оптималь хисобланадими?
5. Компьютер вируслари нима ва уларнинг компьютер тизимларига таъсири қандай бўлади?
6. “ALPHA SERVICE” фирмаси учун қайси антивирус дастури оптималь хисобланади?
7. “ALPHA SERVICE” фирмаси учун ахборотларни ҳимоялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқинг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

«Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот коммуникация технологиялари” модули бўйича тингловчиларнинг мустақил таълими шу модулни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услугубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Ушбу модулни тингловчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида қуидаги кўринишда мустақил ишлар ташкил этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг хуқуқий базаси
2. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт: имкониятлар ва муаммолар.
3. Ўзбекистон Республикасида электрон хокимиятнинг холати ва равнақи
4. Электрон рақамли имзо ва уни кўллаш технологияси
5. MRP, MRPII, CRM, ERP ва SCM тизимлари таснифи.
6. Интернет – электрон тиҷоратнинг асоси сифатида.
7. Электрон тиҷорат ва электрон тўловлар.
8. Криптовалюталар – янги рақамли иқтисодиёт активи сифатида
9. Электрон хужжат ва электрон хужжат айланиш технологиялари.
10. Маълумотлар базасини ташкил қилиш тамойиллари
11. Автоматлаштирилган иш жойлари
12. Ахборот тизимларининг технологик ва дастурий таъминоти
13. Бошқарув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш технологиялари
14. Маълумотлар базаларини бошқариш тизими
15. Амалий ва ихтисослашган амалий дастурий таъминот
16. Компьютер тармоқлари ва унинг турлари
17. Бизнесда ахборот тизимлари
18. Замонавий ахборот жамиятида ахборот хавфсизлиги. Ахборотни ҳимоялаш тизимлари.
19. Компьютер вируслари ва уларнинг турлари. Вирусдан ҳимояланиш дастурий воситаларининг тавсифи.
20. Статистика соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари
21. Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари
22. Банк фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари
23. Маркетинг фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари
24. Менежментда автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари
25. Туризм соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

26. Туризм соҳасини ривожлантиришда интернет технологияларининг аҳамияти.
27. Солик тизимида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари.
28. Интеллектуал тизимлар ва технологиялар.
29. 3D технологияларнинг иқтисодиёт ривожига таъсири.
30. Иқтисодиётда булутли технологиялар.

VII.ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|---------------------------------------|---|--|
| Технология | Грекча <i>techne</i> сўзидан олинган бўлиб моҳирлик, усталик, бирор ишни улдалай олишни англатади. | comes from Greek word “techne” and means “skill”, “mastery”, “to be able to do something” |
| Ахборот технологияси | Объектнинг ҳолати, жараён ёки воқеанинг янги хусусияти тўғрисида ахборот олиш учун маълумотларни йифиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усуллари мажмудан фойдаланиладиган жараён | is the process of using complex methods and means of collecting material, processing and transmission in order to get information about the state of an object |
| Замонавий ахборот технологияси | Шахсий компьютерлардан кенг фойдаланишга, фойдаланувчиларнинг ахборот жараёнида фаол иштирокига, «дўйстона» фойдаланувчи интерфейсининг юқори даражада бўлишига, умумий ва муаммо мазмунидаги амалий дастурлар пакетидан кенг фойдаланишга, ЭХМ ҳисоблаш тармоқлари туфайли маълумотларнинг узоқдаги базаларига кириб бориш имкониятига асосланган технология | is based on a wide use of personal computers, active participation of users in information process and being a high level of “friendly” user’s interface |
| Автоматлаштириш | инсон иш фаолиятини машина ва механизmlар билан алмаштириш демакдир. Утехник, ташкилий ва иқтисодий мазмундаги хатти-харакатлар ҳамда тадбирлар комплексидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни, бошқарув жараёнининг у ёки бу ишини амалга оширишда инсон иштирокини қисман ёки бутунлай чеклаш имконини беради | is a change of machines and mechanisms with human work activity |
| Автоматлаштирилган | Бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун тизимли ташкил этилган | is a complex methods and tools of |

| | | |
|---|---|--|
| ахборот технологияси (ААТ) | ахборот жараёнларини амалга ошириш усул ва воситалари мажмуудир. У ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланиш асосида ривожланган дастурий таъминотни қўллаш базасида бажарилади | implementation of systematically organized information process in order to decide management functions |
| Тизим | ўзаро боғлиқ ва ягона мақсадга эришиш учун маълум қоида асосида ўзаро муносабатда бўладиган элементлар тўплами | is a set of elements which interact on the basis of certain rules in order to achieve a single goal |
| Ахборот тизимлари | Куйилган максадга эришиш учун ахборотни саклаш, унга ишлов бериш ва уни узатиш мақсадида фойдаланилайдиган, кулланилайдиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаробоғланган мажмууси | is a complex of personnel interrelationship and methods used in information transmission, processing and saving in order to achieve a goal |
| Бошқариш | Объектнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиши ёки маълум бир мақсадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функцияси | is a function of a developing system to keep the main features of the object or to achieve a certain goal |
| Иқтисодий объект | Атрофдан захиралар оладиган ва уларни ўз фаолияти маҳсулотларига айлантирадиган барқарор расмий ижтимоий тузилма | is a stable official social structure that takes local resources and convert them into the goods it uses |
| Клиент-сервер технологияси | Дастурлар ёки кўп таркибий бўлакли дастурнинг ўзаро ишлаш услуги. Мижозлар ва Internetда узоқлашган компьютерлар билан ишлаш учун клиент/сервер технологияси қўлланилади. Бунда фойдаланувчи бевосита ишлаётганкомпьютер (ишчистанция) мижоз , асосий маълумотлар ва ресурслар жойлашган узоқлашган компьютер эса сервер деб қаралади | is a method of interaction of programs or some program components |
| Автоматлаш- | якуний фойдаланувчига ўз иш | is a complex of |

| | | |
|---------------------------------|---|--|
| тирилган иш жойи | жойи бўйича маълумотларни ишлаб чиқиши ва аниқ муаммоли соҳада бошқарув вазифаларини автоматлаштиришни таъминловчи ахборот, дастурий ва техник ресурслар мажмуюи сифатида намоён бўлади | technical, program and data resources that providing the last user to work out information about his work place and automatization of management tasks in a certain problematic sphere |
| Сервис дастурий таъминот | фойдаланувчига ЭҲМ биланишлашда қўшимча хизматлар тақдим этувчи ва операцион тизимлар имкониятларини оширувчи дастурий маҳсулотлар тўпламидан иборатdir | consists of set of software products that increases capacity of operating systems and supplies computer user with additional services |
| Интеллект | лотинча «intellectus» сўзидан келиб чиккан бўлиб, у билиш (аниқлаш), тушуниш ёки фахмлаш (акл) маъносини беради | comes from Latin word “intellectus” and means “to know” (to define), “to understand” or “to guess” (brain, intellect) |
| 3D технология | тасвирии визуал ва товушли узатиб беришнинг дунёдаги энг илғор усулидир | is the most advanced way of visual and vocal transmission in the world |
| 3D принтерлар | уч ўлчамли чизмалар асосида нарса-буюмлар "чоп этувчи" принтерлардир | are printers which print things on the basis of three-dimensional drawings |
| Электрон тижорат | Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратdir | is a sale of goods (labor, services) which carried out in accordance with the contract concluded with the use of information systems |
| Электрон пул | пул бирлигига тенглаштирилган белгилар ҳамда купюра ва танга ролини бажарувчи жуда катта сон ёки файллардир | it is a very large numbers or files playing a role of bond(note) and coin or symbols which equal with money(currency) |
| Интернет-банкинг | банкдаги ҳисоб рақамни Интернет орқали бошқариш имкониятини берадиган хизмат | is a service which allows to manage bank account via internet |

| | | |
|---|---|---|
| Электрон ҳамён | электрон пулларни сақлаш учун мўлжалланган восита | is a tool designed to keep electronic money |
| Интерактив давлат хизмати | идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар | is a service which is provided by organizations to physical and legal entities of the through telecommunicated network by using of information and communicative technologies |
| Маркетинг ахборот бошқарув тизимлари | информатиканинг замонавий ахбороткоммуникацион ва дастурий воситалари асосида фаолият юритувчи интерактив хизматларнинг маркетинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маркетинг ахборотларин ийифиш, сақлаш, фаоллаштириш ва ишлаб чиқишини таъминловчи мажмуи | it is a complex which supports collection, storage, activation and production of marketing information based on modern information communication and software tools |
| Электрон рақамли имзо (ЭРИ) | электрон маълумотнинг асллигини аниқлаш мақсадида маълумот билан бирга қабул қилинадиган, электрон воситалар орқали яратилган ўзига хос идентификатор, бошқача килиб айтганда субъект тўғрисидаги керакли маълумотларни криптография усулларидан фойдаланиб кодлаштириш | is a unique identifier which was created with the help of electronic means and which is received with information in order to determine the authenticity of electronic information (data), in other words, it is an encoding necessary information about a person by using cryptography methods |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат Даствури.
2. “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори, ПҚ-3832-сон 03.07.2018 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони
4. Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» номли маъruzasi. –Т.: Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.
6. Узбекистан Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги «Электрон ракамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хукукий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 215-сонли Қарори
8. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
9. Cordella, F. Iannacci Information systems and organisations Published by: University of London Press ,2011
10. Stephen B. Harsh Management information systems. Department of Agricultural Economics Michigan State University harsh@msu.edu
11. Laudon, K.C. and J.P. Laudon Management Information Systems: Managing the Digital Firm. (Harlow: Pearson Education, 2012) twelfth edition
12. Bocij, P., D. Chaffey, A. Grasely and S. Hickie Business Information Systems: Technology, Development and Management. (London: Financial Times Pitman, 2006)
13. Curtis, G. and D. Cobham Business Information Systems: Analysis, Design and Practice. (New Jersey: Pearson Education, 2005) fifth edition [ISBN 0273687921]

14. David Poole Alan Mackworth *Artificial Intelligence: Foundations of Computational Agents*, Cambridge University Press, 2010
15. D. Kriesel . A Brief Introduction of Neural Networks, Bonn, Gwermany, 2011
16. Vladimir Zwass E-commerce- www.britannica.com
17. Jean D.Habiyaremye, Jules Miller Marketing Information system Paperback – August 8, 2013
18. James T. Mc ClaveStatistics for business and economics, New Jersey , Pearson Education,Inc. 2005
19. Informatika va axborot texnologiyalari: Oliy ta`lim muassasalari talabalari uchun darslik/ S.S. G`ulomov, B.A. Begalov; O`z.R Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti.-T.: Fan, 2010. -704.
20. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. И.Т.Трубилина. М.: Финансы и статистика, 2000.
21. Автоматизированные информационные технологии в экономике: учебник / под общ. ред. Г.А.Титоренко. М.: ЮНИТИ, 2006. – 399 с.
22. Агальцов В.П., Титов В.М. Информатика для экономистов: Учебник. – М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА – М, 2009. – 448 с.
23. Информационные технологии в бизнесе / Под ред. М.Желены.– СПб:Питер, 2002. – 1120 с.
24. Информационные технологии управления: Учеб. пособие для вузов / Под ред. Проф. Г.А.Титоренко -2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
25. Мхитарян С.В. Маркетинговая информационная система. – М.: Изд-во Эксмо, 2006– 336 с.
26. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма // Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва бошқалар.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2004. – 320 б.

II. Интернет ресурслар

1. gov.uz- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
2. prezident.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти веб сайти.
3. pm.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси.
4. my.gov.uz -Ягона интерактив давлат хизматлари портали.
5. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикаси ахборот-таълим портали.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
7. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
8. Websum.uz-миллий электрон тўлов тизим
9. webmoney.ru - Россия электрон тўлов тизими
10. yarmarka.uzex.uz -Ўзбекистон глобал савдо тизими.
11. 3dnews.ru- 3d технологиялар сайти
12. <http://www.britannica.com/> -Encyclopedia Britannica school and library subscribers
13. lex.uz